

POLISH SCIENCE JOURNAL

INTERNATIONAL SCIENCE JOURNAL

Issue 7(28)



POLISH SCIENCE JOURNAL

ISSUE 7 (28)

INTERNATIONAL SCIENCE JOURNAL

WARSAW, POLAND
Wydawnictwo Naukowe "iScience"
2020

ISBN 978-83-949403-4-8

POLISH SCIENCE JOURNAL (ISSUE 7(28), 2020) - Warsaw: Sp. z o. o. "iScience", 2020. - 164 p.

Editorial board:

Bakhtiyor Amonov, Doctor of Political Sciences, Associate Professor of Tashkent University of Information Technologies

Bugajewski K. A., doktor nauk medycznych, profesor nadzwyczajny

Czarnomorski Państwowy Uniwersytet imienia Piotra Mohyły

Temirbek Ametov, PhD

Marina Berdina, PhD

Hurshida Ustadjalilova, PhD

Oleh Vodiani, PhD

Languages of publication: українська, русский, english, polski, беларуская, казахша, o'zbek, limba română, кыргыз тили, շաբլըն

Science journal are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees.

The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.

ISBN 978-83-949403-4-8

© Sp. z o. o. "iScience", 2020

© Authors, 2020

TABLE OF CONTENTS

SECTION: AGRICULTURAL SCIENCE

Бобоев А. Х., Акбарова Н. А., Хасанов Х. Т., Адхамов А. Р. (Тошкент, Узбекистан) ҚОБИҒИ АЖРАТИЛГАН БУҒДОЙ УНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ҚАНДЛАШТИРИЛГАН СУСЛОНИ БИЖҒИТИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.....	6
Саимназаров Ю. Б., Қаршиев А. Э. (Тошкент, Узбекистан) ЎРИК КОЛЛЕКЦИЯСИ БОҒЛАРИДАГИ ҚУРҒОҚЧИЛИККА ЧИДАМЛИ НАВЛАРНИ ТАНЛАШ.....	13
Умаров З. А., Акбаралиев И. Р, Пулатов А. (Тошкент, Узбекистан) ЁНҒОҚЗОРЛАРДА УЧРАЙДИГАН ҚУНҒИР ДОҒЛАНИШ КАССАЛЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ.....	19
Ҳакимов Ўктам Тошботирович, Ҳакимов Уктам Нормухаммедович (Тошкент, Узбекистан) ТОҒ ОЛДИ АДИР ЯЙЛОВЛАРИДА ГУШТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ЯЙЛОВ ҚОРАМОНЧИЛИГИНИ ИЛМИЙ АСОСДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	22

SECTION: HISTORY SCIENCE

Nazarov Nasriddin (Tashkent, Uzbekistan) THE ROLE OF ORKHON-YENISEI WRITTEN MONUMENTS IN THE DEVELOPMENT OF HISTORICAL THINKING OF THE TURKIC PEOPLES.....	28
Sultanov Temur Boybutayevich, Хакимова Дилбар Артикбайевна (Jizzakh, Uzbekistan) FORMATION AND POLITICAL HISTORY OF KHIVA KHANATE.....	33
Быстраков Дмитрий Александрович (Красноярск, Россия) ПОТРЕБЛЕНИЕ ГАЛЛЮЦИНОГЕННЫХ ГРИБОВ В СЕВЕРО- ВОСТОЧНОЙ СИБИРИ: ИСТОРИЧЕСКИЕ СВИДЕТЕЛЬСТВА, ВЛИЯНИЕ НА СОЦИАЛЬНЫЕ ОТНОШЕНИЯ.....	37
Каланов Аслиддин Джураевич (Ташкент, Узбекистан) КНИЖНОЕ ДЕЛО В ЭПОХУ ТИМУРИДОВ.....	42

SECTION: MANAGEMENT AND MARKETING

Абдиева Дилнавоз Акрамовна (Ташкент, Узбекистан) МАРКЕТИНГОВАЯ СТРАТЕГИЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭКСПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА ПРЕДПРИЯТИЙ ПО ПРОИЗВОДСТВУ ШВЕЙНО-ТРИКОТАЖНОЙ ПРОДУКЦИИ.....	46
Бойжигитов Санжарбек Комилжон ўгли (Самарканд, Узбекистан) СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТОВАРНОЙ ПОЛИТИКИ МЕСТНЫХ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ.....	53
Хасанова Рисолат Баходировна (Ташкент, Узбекистан) МЕТОДИКА СОСТАВЛЕНИЯ СЕГМЕНТАРНОЙ ОТЧЕТНОСТИ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ВХОДЯЩИХ В КЛАСТЕРНУЮ ФОРМУ ХОЗЯЙСТВОВАНИЯ.....	61

SECTION: MEDICAL SCIENCE

- Абзалова Нодира Бахрамовна (Ташкент, Узбекистан)**
К ВОПРОСУ СИНДРОМА СТАРЧЕСКОЙ ХРУПКОСТИ..... 67

SECTION: PEDAGOGY

- Muhiddinov Muslihiddin, Olim Sultanmurod (Samarkand, Uzbekistan)**
SIX CENTURIES OF UZBEK HIGHER EDUCATION..... 69
- Дягілева Л. Д., Орлова О. О. (Харків, Україна)**
КВЕСТ - ТЕХНОЛОГІЇ У ПРОФЕСІЙНОМУ НАВЧАННІ
(АСПЕКТ НАВЧАННЯ ІНОЗЕМНИХ МОВ)..... 73
- Кабачька Олена Володимирівна (Харків, Україна)**
ОСНОВНІ ПИТАННЯ ФОРМУВАННЯ ОСНОВ
ПІДПРИЄМНИЦЬКОЇ ДІЯЛЬНОСТІ МАЙБУТНІХ ФАХІВЦІВ СФЕРИ
ОХОРОНИ ЗДОРОВ'Я..... 81
- М'яковський Михайло (Тернопіль, Україна)**
МАРКЕТИНГ ОСВІТНІХ ПОСЛУГ ЯК ЕФЕКТИВНИЙ РИНКОВИЙ
МЕХАНІЗМ ЗАБЕЗПЕЧЕННЯ КОКУРЕНТОСПРОМОЖНОЇ
ДІЯЛЬНОСТІ ВИЩОЇ ШКОЛИ..... 87
- Орлова О. О., Дягілева Л. Д. (Харків, Україна)**
ІННОВАЦІЙНІ ТЕХНОЛОГІЇ У ВИКЛАДАННІ ІНОЗЕМНИХ МОВ
В УМОВАХ ПРОФЕСІЙНО-ОРІЄНТОВАНОГО НАВЧАННЯ..... 97
- Юсупова Сохила Сайфиевна,**
Нурмухамедова Мафтуна Улугбековна (Самарканд, Узбекистан)
МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПОДХОДА
К ПРОЕКТИРОВАНИЮ ДИДАКТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ..... 104

SECTION: PHILOSOPHY

- Қамбаров Абдумутал Ахаджонович (Фарғона, Ўзбекистон)**
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИМЛАРИ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯДА ТУТГАН ЎРНИ..... 109
- Тожибоев Сарвар Пўлатжон ўғли (Фарғона, Ўзбекистон)**
ҲАЛОЛ ВА САДОҚАТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ
МИЛЛИЙ ТИЗИМИ МУАММОЛАРИ ТАҲЛИЛИ..... 114
- Тураев Бахтиёр Оманович (Ташкент, Узбекистан)**
ФИЛОСОФИЯ О ВЗАИМОПРЕВРАЩАЕМОСТИ ПРОСТРАНСТВЕННО-
ВРЕМЕННОЙ СТРУКТУРЫ МИКРО- И МЕГАМИРОВ..... 119

SECTION: PHYSICAL CULTURE

- Bugajewski K. A. (Mykołajw, Ukraina)**
SAMBO KOBIEŃ I WARTOŚCI PŁCOWYCH SOMATOTYPÓW..... 127

SECTION: PSYCHOLOGY SCIENCE

- Tokhirjonova Zulkhumorkhon Zohidjon qizi (Tashkent, Uzbekistan)**
PSYCHOLOGICAL PRINCIPLES OF LEARNING
LANGUAGE IN CHILDREN..... 133

Шалагинова Ксения Сергеевна, Чилачава Марика Кахаберовна (Тула, Россия) ТЕХНОЛОГИЯ РАБОТЫ С ПОДРОСТКАМИ, СКЛОННЫМИ К ПРОЯВЛЕНИЮ НАСИЛИЯ.....	136
---	-----

SECTION: SCIENCE OF LAW

Chihai Cristina Nicolae (Chişinău, Moldova) ANALIZA MATERIALELOR ŞTIINŢIFICE PUBLICATE ÎN STATELE STRĂINE CU PRIVIRE LA PIRAMIDELE FINANCIARE ŞI FORMELE DE RĂSPUNDERE PENTRU ORGANIZAREA ŞI PRACTICAREA ACESTORA.....	141
---	-----

SECTION: TOURISM AND RECREATION

Аблакулова Ирода Камолидиновна (Самарканд, Узбекистан) ТУРИСТИЧЕСКИЕ КЛАСТЕРЫ И ИХ ОБЩЕСТВЕННЫЕ ВОПРОСЫ В УЗБЕКИСТАНЕ.....	158
---	-----

SECTION: AGRICULTURAL SCIENCE

Бобоев А. Х., Акбарова Н. А., Хасанов Х. Т., Адхамов А. Р.
Тошкент кимё-технология институти
(Тошкент, Узбекистан)

ҚОБИҒИ АЖРАТИЛГАН БУҒДОЙ УНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ҚАНДЛАШТИРИЛГАН СУСЛОНИ БИЖҒИТИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

***Аннотация.** Озиқ-овқат этил спирти ишлаб чиқаришда буғдой қобиғини ажратиш олиш, ун таркибида минерал моддаларнинг камайишига олиб келади ва бу ўз наъбатида қандлаштирилган суслони бижғиш жараёнининг боришига салбий таъсир этади. Бунинг олдини олиш учун топинамбур суслоси билан биргаликда бижғитиш таклиф этилган.*

***Таянч сўзлар:** этанол, технология, биосинтез, бижғиш, топинамбур, бражка, сусло.*

КИРИШ

Озиқ-овқат этил спирти ишлаб чиқариш учун асосан таркибида крахмал ва сахароза тутган хомашёлар ишлатилади. [1-3].

Этанол ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда хомашё таркибидаги ҳамма юқори молекулали биополимерлардан унумли фойдаланиш долзарб йўналиш ҳисобланади (4). Маълумки, донни ундиришда, дон таркибидаги захира моддаларни эрийдиган ҳолга ўтказиш учун етарли даражада ферментлар синтез бўлади. Бу фермент системаси амилаза, протеаза, липаза, фосфатаза ва бошқалардан иборат. Шу сабабли солод ферменти ишлатилганда пишириш ва қандлаштириш жараёнлари тўлиқ кетади ва ачитқилар учун етарли озуқа муҳити ҳосил бўлади [5-10].

Дон таркибидаги крахмални қандлаштиришда ферментларнинг аҳамияти ҳам катта. Ҳозирги кунда асосан хориждан келтирилаётган ферментлар қўлланилиб келинмоқда [11, 12]. Ферментларни қўллашда уларнинг фаоллигини ва хусусиятларни инобатга олиш керак [12, 14].

Озуқа муҳитидаги турли нисбатдаги минерал моддалар углевод/азот (C/N)_x ва углевод/фосфор (C/P)_x бўлишига қараб, ачитқи биомассасини чиқиши ва ачитқидаги оқсиллар, аминокислоталар, углеводлар ва трегалоза миқдорларини олдиндан айтиш мумкин [15]. Муҳитда фосфорнинг етишмаслиги, ачитқиларда углеводлар ва азот ассимиляция билан боғлиқ модда алмашинувининг кескин бузилишига олиб келади. Физиологик эҳтиёжлар учун 10 миллиард ҳужайрага 10-13 мг фосфор керак бўлади. Спирт ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг яна бир усулларидан бири - бу биостимуляторлардан фойдаланиш ҳисобланади. Бунда ачитқиларининг бижғитиш активлиги ва кўпайиш тезлиги ошиш орқали спиртли бижғиш жараёни жадаллашади [16].

Этанол ишлаб чиқаришда электрофизик ишлов беришнинг

қўлланилиши дон компонентларини тўлиқ ва чуқур ўзгартириш орқали, пишириш вақтини қисқартириш ва режимини юмшатиш, қандлаштирувчи материаллар сарфини камайтириш, ферментларни субстратни гидролизлашини осонлаштириш орқали спирт ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради. Шу билан бир вақтда электрэнергия сарфи камаяди ва ҳар 1 тонна крахмал тутувчи хомашёдан олинадиган спирт миқдори ошади. Бунинг асосида биотехнологик жараёнларда ультратовушларни (УТ) кенг қўллаш ётади. Электрофизик ишлов беришнинг иккинчи истиқболли усулларида бири гидролизланадиган субстратга инфрақизил (ИК) нур бериш ҳисобланади [17].

Кальций ва калий баъзи ферментларни активлаштириш учун зарур. Шу билан бирга, кальций кўп ферментларга ингибиторлик қилиши ҳам мумкин. Микроэлементлар ачитқиларнинг кўпайиши ва бижғиш жараёнига таъсир кўрсатади. 1 мг/дм³ миқдорда Mn ачитқиларнинг нафас энергиясини оширади, кўп миқдорда (45-90 мг/дм³) берилса бижғишни тезлаштиради, шунингдек, ачитқи эстеразлари биосинтезини тезлаштиради. Молибден ачитқиларнинг кўпайишини, бор эса ачитқиларнинг бижғитиш қобилиятини фаоллаштиради [18].

МЕТОДЛАР

Реагентлар: Хомашё сифатида “Бектемир-спирт экспериментал заводи” корхонасида қўлланилаётган буғдой дони (ГОСТ 13586.2, ГОСТ 13586.5), протеолитик фермент сифатида Нейтраза (Новозаймс, Дания), Пролайв РАС 30L, (ЭнзимБИОПродукт, Россия) ва қовушқоқликни камайтирувчи фермент сифатида “Амилекс 4Т” (Новозаймс, Дания), қандлаштирувчи фермент сифатида “DIAZYME-SG2” (Новозаймс, Дания) ва ишлатилди. Антибактериал модда сифатида “Набак” ва “Лактрол” (Новозаймс, Дания) қўлланилди.

Минерал моддалар. Дон таркибидаги минерал миқдорини донни 600-900° хароратгача куйдириб, аниқланади [19].

Ачитқи биомассасини аниқлаш. Ачитқи биомассаси филтрлаш усули билан аниқланади. Олдиндан қуритилган (90-100 °С да 1-2 соат давомида) ва тарозида массаси ўлчанган қоғоз филтр воронкага жойлаштирилади ва 100 мл намуна филтрлаб ўтказилади. Филтр қоғоздаги қолдиқ бир неча марта кислота қўшилган дистилланган сув билан ювилади. Сўнгра филтр чўкма билан бирга қуртиш шкафига қўйилади, 90-100° С да 1-2 соат давомида қуритилади ва 0,0001 г аниқликда аналитик тарозида массаси ўлчанади [20].

Етилган бражка таркибидаги бижғимаган қанд миқдорини аниқлаш. Бражкадаги бижғимаган қанд миқдори 100 мл да 0,154-0,4 г гача бўлади. Бражка таркибидаги бижғимаган углеводларни аниқлаш Антрон реактиви орқали амалга оширилади.

Бижғийдиган углеводлар концентрациясини аниқлаш. Бижғийдиган углеводларни аниқлаш Антрон реактиви орқали амалга оширилади.

Етилган бражка таркибидаги спирт миқдорини аниқлаш. Бражка таркибидаги спирт миқдори баржкани қайта ҳайдаб олинган отгон зичлигини аниқлаш орқали топилади. Отгон зичлиги пикнометр, ареометр ёки спиртомер ёрдамида аниқланади [21].

Бижғиётган муҳитда ачитқилар сонини аниқлаш. Бижғиётган муҳитда ачитқиларнинг умумий сонини аниқлаш микробиологияда умум қабул қилинган

Горяева санок камерасида микроскоп остида ачитқилар сонини санаш орқали амалга оширилади [20].

НАТИЖАЛАР

Адабиётлардан маълумки, буғдой янчилмасини фракциялаб, қайта ишлашда унинг таркибидаги минерал бирикмалар микробиологик ва биокимёвий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

1-жадвалда фракцияларга ажратилган буғдой янчилмаси ва топинамбурнинг кимёвий таркиби келтирилган.

1-жадвал

**Буғдой уни, келаги ва топинамбурнинг кимёвий таркиби
(қуруқ моддага нисбатан %)**

Таркиби	Буғдой уни	Буғдой келаги	Топинамбур
Оқсил	10,3	14,8	9,3
Ёғлар	0,9	3,2	0,4
Қрахмал	67,7	17,8	0,7
Кул	1,68	5,95	6,3

Топинамбур, буғдой янчилмаси ва эндоспермасидан тайёрланган бражканинг физик-кимёвий кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Турли хил хомашёлардан олинган етилган бражканинг кимёвий таркиби

Кўрсаткичлар	Хомашё тури		
	Буғдой янчилмаси (анъанавий технология)	Қрахмалга бой ун фракцияси	Топинамбур
Этанол, х%	8,5	8,3	10,3
Титрланадиган кислота	0,4	0,45	0,2
Ачитқи хужайраларининг сони, млн/мл	120-126	90-96	80-100
Бижғиш жараёнининг давомийлиги, соат	72	72	72
Сивуха мойларининг миқдори, мг/дм ³	450	420	250
Ацетальдегид, мг/дм ³	470	450	220
Кул миқдори, %	1,5	0,4	1,5

Қобиғи ажратилган буғдой унидан тайёрланган суслони бижғитиш яхшилаш биз бижғишни минерал моддаларга бой бўлган топинамбур шарбати билан биргаликда олиб бориш бўйича тадқиқот ишларини олиб бордик.

**Бугдой уни ва топинамбур+бугдой унидан тайёрланган етилган
бражканинг кимёвий таркиби**

Кўрсаткичлар	Хомашё тури	
	Бугдой уни	Топинамбур+бугдой уни (1:3 нисбатда ҚМ ҳисобида)
Этанол, ҳ%	8,3	8,5
Титрланадиган кислота	0,4	0,38
Ачитқи ҳужайраларини сони, млн/мл	90-96	130-132
Бижғиш жараёнининг давомийлиги, соат	72	70
Сивуха мойларининг миқдори, мг/дм ³	420	194-230
Ацетальдегид, мг/дм ³	450	182-250
Кул миқдори, г/дм ³	0,4	1,3

МУҲОКАМА

Крахмал миқдори юқори бўлган ун фракциясининг таркибида минерал моддаларни камлиги биокимёвий ва микробиологик жараёнларга салбий таъсир этади.

Маълумки, дондаги кул миқдори умумий массанинг 1,5-3,0 % ни ташкил қилади. Кулнинг асосий қисми калий фосфатдан иборат. Бугдой донида фосфор, калий, магний, кальций, натрий, темир, кремний, олтингургут ва хлор каби элементлар сезиларли даражада мавжуд. Марганец, рух, никел, кобальт ва бошқа кўплаб элементлар дон таркибида кам миқдорда бўлади [22].

Спирт ишлаб чиқаришда бугдой таркибидаги анорганик ва кичик молекулали органик бирикмалар қўлланилаётган ферментларнинг фаоллигига ва барқарорлигига таъсир этади.

Ферментларнинг барқарорлигини анорганик ва органик моддалар иштирокида ошишини қўшимча метал-оқсилли бирикма, водородли ва гидрофобли таъсирланиш натижасида полипептидларнинг ҳаракатини чеклаш билан тушунтириш мумкин. Адабиётларда икки валентли металллар (Ca^{2+} , Mg^{2+} , Zn^{2+} , Fe^{2+} , Co^{2+} ва бошқ.) ва анионлар (HPO_4^{2-} , SO_4^{2-} , CH_3COO^- и др.) юқори ҳароратда ферментларнинг барқарорлигини ошириши кўрсатилган [23-25]. Бунда ферментларнинг физик-кимёвий хусусиятларини сақлаб қолишда, уларнинг концентрацияси ва қўшилаётган ионлар муҳим аҳамиятга эга. Масалан, рух, кобальт ва никел ионлари ишқорий протеиназаларни узоқ муддат сақлаш жараёнида барқарорлигини сақлаши кўрсатилган [25].

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, хомашёларнинг кимёвий таркиби бир-биридан сезиларли даражада фарқланади.

Маълумки, минерал моддаларнинг асосий қисми хомашёнинг мева қобиғи қисмида жойлашган бўлади. Шунинг учун, бугдой эндоспермаси ва ташқи мева қобиғи кимёвий таркиби билан бир-биридан фарқланади. Бугдой уни таркибидаги кулдорлик ўртача 1,68% ни ташкил этса, бугдой кепагида эса 5,95% ни ташкил этади. Топинамбур туганагида эса кулдорлик қуруқ моддасига нисбатан ўртача 6,3% га тенг.

Оқсилни миқдори ҳам буғдой кепаги таркибида кўпроқ бўлади, чунки оқсиллар асосан муртак ва алейрон қатламида тўпланади.

Бу кўрсаткичлар ушбу хомашёлардан спирт ишлаб чиқаришда технологик жараёнларга ҳар хил таъсир этади.

Буғдойдан спирт ишлаб чиқаришда буғдой янчилмасини фракциялаб, фақат буғдой уни спирт ишлаб чиқаришга берилганда минерал моддаларнинг камлиги бижғиш жараёни тўлиқ кетмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун бижғиш жараёнини олиб боришда кепак қисми ажратилган крахмалга бой буғдой унидан фойдаландик. Таққослаш учун анъанавий технология бўйича буғдой янчилмаси ва топинамбур хомашёсини бижғитиб тайёрланган етилган бражка олинди.

Буғдой унидан тайёрланган қандлаштирилган шарбатнинг таркибидаги минерал моддаларни камлиги бижғиш жараёнига, яъни этанол биосинтезига салбий таъсир этиши 2-жадвалда ўз аксини топган. Бундан ташқари, бижғиш жараёнида юз берадиган ферментатив реакциялар тезлигининг камайиши ҳам бижғиш жараёнини чўзилишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, бижғиш жараёнида буғдой таркибидаги минерал моддалар ва оқсиллар муҳим роль ўйнайди. Минерал моддаларнинг камлиги ферментларнинг фаоллигига салбий таъсир этиши натижасида, қандлаштириш ва пишириш жараёнлари сустретади.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, буғдой унини топинамбур шарбати билан биргаликда спиргга қайта ишлаш, бижғиш жараёнига ижобий таъсир этиб, олинаётган спиртнинг сифат кўрсаткичларини ҳам яхшилайти ва олинаётган спиртнинг миқдори 0,2% га ошади (3-жадвал).

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Яровенко В. Л. Технология спирта. М. Колос 2002. 465 с.
2. Зуева Н. В., Востриков С.В. Влияние ферментных препаратов различного действия на динамику накопления сбраживаемых углеводов // Производства спирта и ликеровочных изделий. – Москва, 2008. – № 4. – С. 7-9.
3. Поляков В. А., Римарева Л. В. Научное обеспечение инновационного развития спиртовой отрасли на пути интегрирования в мировую экономику // Производство спирта и ликероводочных изделий. - 2013. - № 1 - С. 4-8
4. Сотников В. А., Марченко В. В., Гамаюрова В. С. Использование полифосфатов технологии низкотемпературного разваривания крахмалистого сырья при производстве спирта // Вестник Казанского технологического университета. 2003, №2, С. 180-187.
5. Востриков С. В., Яковлев А. Н., Бушин М. А. Влияние сбалансированного состава зернового суслу на процесс биосинтеза дрожжевой биомассы //Производства спирта и ликероводочных изделий, 2006, №2, С. 32-33.
6. Журба О. С., Поляков В. А., Леденев В. П. Технология этанола из целого зерна пшеницы на основе интенсивных способов обработки сырья//Производство спирта и ликероводочных изделий.2004, №1. С. 14-17.
7. Римарева Л. В., Оверченко М. Б., Соколова Е. Н., Серба Е. М., Игнатова Н. И., Медриш М. Э. и др. Ферменты протеолитического действия

- и их биокаталитические особенности при конверсии зернового сырья // Вестн. Рос. сельскохозяйственной науки. 2016. № 6. С. 62–64.
8. Тананейко Т. М., Пушкарь А. А. Интенсификация спиртового брожения путем направленного протеолиза зернового сырья // Ликероводочное производство и виноделие. – 2010. - № 10. – С. 20-23.
 9. Яковлев А. Н., Яковлева С. Ф. Усовершенствование технологии этилового спирта из ржи на основе применения мультиэнзимного комплекса // Производство спирта и ликероводочных изделий. - 2012. - № 1. - С. 22-25.
 10. Alan J. Buglass. Handbook of alcoholic beverages. Technical, analytical and nutritional aspects. – Publisher: Wiley, -2010. – 1204 p.
 11. Технологическая инструкция по использованию в спиртовом производстве ферментных препаратов фирмы «ЭНДЭ ИНДУСТРИАЛ КОРПОРЕЙШН», ТИ 10-16125-01. – Москва, 2001. – 17 с.
 12. Римарева Л. В., Оверченко М. Б., Игнатева Н. И., Кадиева А. Т. Мультиэнзимные системы в производстве спирта // Производство спирта и ликероводочных изделий, 2004, №3, С. 22-24.
 13. Колдин Э. Н., Калинина О. А., Гусева Т. И. Оптимизации процесса тепловой обработки зернового сырья // Производство спирта и ликероводочных изделий, 2003, №4.
 14. Инструкция по теххимическому и микробиологическому контролю спиртового производства / Под ред. А. П. Рухлядовой — М.: Агропромиздат, 1986 - 400 с.
 15. Меледина Т. В. Роль азотного и фосфорного питания при выращивании хлебопекарных дрожжей/ Т. В. Меледина, И. В. Гудь, М. М. Кхалил // Изв. СПб ГУНиПТ. 2005. - №1. - С. 58-60.
 16. Пономарева О. И., Черныш В. Г., Борисова Е. В. Прохорчик И. П., Влияние условий культивирования на выход и качество хлебопекарных дрожжей. Научный Журнал НИУ ИТМО. Серия «Процессы и аппараты пищевых производств» – Санкт-Петербург.: Изд-во Санкт-Петербургский НИУ ИТМО., 2011.-1-10 с.
 17. Бирагова Н.Ф. Перспективные способы обработки зерна при производства спирта // Производство спирта и ликероводочных изделий. – Москва, 2003. – № 1. – С. 17.
 18. Дубовицкий, Ю. Е. Повышение эффективности переработки пшеницы при выработке этанола / Ю. Е. Дубовицкий, В. В. Колпакова, Л. Н. Крикунова // Производство спирта и ликероводочных изделий. - 2001. - № 4. - С. 18-20.
 19. ГОСТ 10847-74. Межгосударственный стандарт. Зерно. Методы определения зольности
 20. Под редакцией Егорова Н. С. Руководство к практическим занятиям по микробиологии. 3-е издание. – М.: Издательство Московского университета, 1995, - 129-132.
 21. Полыгалина Г. В. Теххимический контроль спиртового и ликероводочного производства. – Москва.: Колос, 1999, С. 155-156.
 22. Нечаев А. П., Траубенберг С. Е., Кочеткова А. А., Колпакова В. В., Витол И.С., Кобелева И. И. Пищевая химия. СПбю:ГИОРД, 2007. 640 с.е изд., перераб. и доп. /: Высш. шк. М., 1985. - 327 с.

23. Feder J., Kohavi D., Anderson R.G., Wildi B.S. Stabilization of proteolytic enzyme in solution // *Biotechnol. and Bioeng.*, 1978. V.20 – №12. – P. 1865-1872.
24. Хоштария Д. Э., Тополев В. В. О стабилизирующем влиянии хлористого калия на активную конформацию α -химотрипсина. // *Биоорг. химия.* – Москва, 1980. Т.6. –№3. – С. 455-460.
25. Нестеренко Е. А., Орешенко Л. И. Стабилизация щелочной протеиназы в растворах // *Микробиол. пром-ть.* – Москва, 1981. –№4. – С. 14-15.

УДК 634.21/ 634.1-15

Саимназаров Ю. Б., Қаршиев А. Э.
(Тошкент, Узбекистан)

ЎРИК КОЛЛЕКЦИЯСИ БОҒЛАРИДАГИ ҚУРҒОҚЧИЛИККА ЧИДАМЛИ НАВЛАРНИ ТАНЛАШ

Аннотация. Ушбу мақолада ўрик коллекцияси боғларида мавжуд навлар ичидан таъбиий-иқлим шароитларига бардошли, қимматли биологик ва ҳўжалик хусусиятларига эга бўлган навларни ажратиб олиш ҳамда оналик боғларини барпо қилиш, истиқболли навлар асосида ўрикзорлар ташкил қилиш мақсад қилинган.

Калит сўзлар: кесиш, шакл бериш, иқлим шароитлари, ўрик, қурғоқчилик, қимматли ҳўжалик белгилар, биологик белгилар.

Аннотация. В статье приведены результаты выделение сорта абрикосовых коллекционных садов, устойчивых к климатическим условиям, особенности ценными биологическими и особы хозяйственными характеристиками, а также создание местных садов и создание абрикосов на основе перспективных сортов.

Ключевые слова: обрезка, формирование, климатические условия, абрикос, засуха, хозяйственные, биологические признаки.

Abstract. The apricot varieties were selected from apricot gene pool, which are resistant to uncomfortable climate conditions, and acquiring valuable economic and biological traits. After, the maternal orchards and prospective apricot orchards are established from selected varieties.

Key words: pruning, climatic conditions, apricot, drought, economic traits, biological traits

Кириш: Ўрик тез ўсиши, ҳосилга кириши, мева ҳосили ва унудорлигининг жадал ошиб бориши каби биологик хусусиятларга эга қадимдан Ўрта Осиёда етиштирилиб келаётган мевали дарахт туридан биридир. Янги пишган ўрик меваси таркибида 8,4-19,0% шакар, 0,3-1,7% гача (олма, лимон ва салицил) кислоталар, 0,1-1,6% пектин А ва С витаминлар бор. Туршагида 80% ва ундан ҳам кўпроқ шакар бўлади. Инсон учун зарур бўлган тўйимли озқалар комплексини ўзида мужассамлаштирган ширин таъмли мевадир. [1].

Тупроқда намликнинг етишмаслиги мевали ўсимликларнинг ўсишини сустлаштиради ёки тўхтатади, кейинчалик барглар сўлийти ва эрта тукилади. Натижада келаси йили ҳосилнинг генератив органларда ривожланиш функцияси пасаяди ва мевалар сони камаяди, сифати эса ёмонлашади. [2].

Шох-шабба яруслари бўйича баргларининг қурғоқчиликка чидамлилиги турлича эканлигини ўрганган муаллифларнинг маълумотларига кўра, тупроқнинг қуруқлигига шох-шаббаларнинг паст ярусидagi баргларда мослашув юқори ярусдаги баргларга қараганда сезиларли даражада юқори эканлигини кузатган. Бу кўпинча сув танқислиги бошланиши билан оқ пастки

ярус баргларида сув ҳаракатининг тезлиги ва транспирация пасайиши билан изоҳланган. Олиб борилган кузатишлар натижасида тадқиқотчилар сув танқислигида ўсимлик сув сарфланишини қанча қисқартирса у шунча қурғоқчиликка чидамли бўлади деган хулосага келган. [3]

Қурғоқчилик ҳамда иссиқликка чидамлилиги бўйича ўрик навлари бодомдан кейинги ўринда туради. Ёзда июль ойларида ҳавонинг ўртача ҳарорати 30°C дан юқори, максимал ҳарорат 45-47°C гача бўлганда ҳам яхши ўсиб ривожланади. [4]

Тадқиқот усуллари. Дала ва лаборатория тажрибалари илмий ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришда синаш ва тадбиқ этиш мевачилиқда умум қабул қилинган услублар бўйича амалга оширилди [5, 6, 7, 8].

Қашқадарё вилоятида ёз иссиқ ва қуруқ, қиш эса совуқ бўлиб, ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 13,8°C, энг иссиқ ҳарорат июль ойида 26,8°C ва совуқ эса январь ойида -14°C ни, ташкил этди. Июнь ойидаги энг юқори ҳарорат 50°C жазирамагача кўтарилиши ва январь, февраль ойларида ҳарорат -24°C совуқгача пасайиши кзатилди. Мавсум давомидаги фойдали ҳароратлар йигиндиси февраль-июнь ойларида 2400-2800°C гача етди. Совуқ бўлмайдиган кунлар давомийлиги ўртача 240 кун. Баҳорги совуқ кунлар феврал ойининг учинчи декадасигача, айрим йиллари апрелгача давом этганлиги кузатилди.

Тадқиқот натижалари. Ўрганилаётган маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навларида кузатувлар олиб борганимизда Наджими, Субхони Заря, Исфарак бадамский, Юбилейний Навоий ўрик навларида шох-шабба ярусларининг ёруғлик ва қуёш нури билан тўлиқ таъминланиши ҳамда дарахтларни тўғри шакллантириш ҳосилдорлик ва мева сифатини ошириш мақсадида вазасимон шакл берилиб, дарахтларнинг ривожланиши ҳамда меваларнинг сифати устида кузатувлар олиб бордик. Олиб борилган кузатувларимиз натижасида дарахтларга тўғри тушган ёруғликка нисбатан тарқалган ёруғликдан тўлароқ фойдаланганлиги кузатилди. Чунки, у дарахт шох-шаббасининг барча томонидан ўтади ҳамда қуёш нурлари баргларнинг ҳаммасига тушади. Бунинг устига тарқалган ёруғлик тўғри ёруғликка нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатганлиги баргларнинг йириклиги, рангдорлиги, меваларнинг сифати ва дарахтнинг яхши ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлиги ҳамда, кундузги ёруғликнинг қанчалик узоқ давом этиши катта аҳамиятга эга эканлиги намоён бўлди.

Ўрганилаётган ўрик коллекция навларида шамол тезлигининг ҳосилдорликка таъсири катта аҳамиятга эга эканлиги намоён бўлди. Шамолнинг ўсимликка таъсири ҳар хил бўлиб, унинг катта тезликдаги (секундига 10 метр ва ундан тез бўлганда) таъсири натижасида ўсимликда мева тугунлари ҳамда барглари 10-15% зарарланди. 15-20 м/с тезликда эсан шамоллар гулларни ҳашоратлар томонидан чанглинишига халақит бериб, гул ҳамда ёш тугунчаларни 15-20 % гача зарарлангани аниқланди. Шамолнинг тезлиги 20-25 м/с бўлганда дарахт шохлари синиши, улар бутунлай зарарланиши кузатилди. Шакл берилган дарахтларда эса зарарланиш сезиларли даражада камайганлиги аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотларда тупроқ-иқлим шароитига мос ўрик

навлари ўрганилиб, вилоятнинг иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда сифатли мева маҳсулотларини етиштиришда истиқболли навлар танлаб олинди. Бунга боғлиқ равишда ўрганилаётган ўрик навларининг вегетация фазалари ўрганилди.

Бу фенологик фазалар ўрганилаётган ўрик навларида қуйдагича кузатилди. 2009-йилда экилган ўрик навларидан Наджими навида 2017-2019 йилларда куртакларнинг бўртиб чиқиши тегишли тартибда 4-11 март кунларида кузатилган бўлса, шакл берилган вариантларда бу кўрсаткич ўртача 6-14 мартда кузатилди. ғунчаларининг ёзилиши 7-14 март кунларида аниқланган бўлса, шакл берилган вариантларда эса ўртача 9-18 мартгача давом этганлиги аниқланди. Гуллаш фазаси бошланиши 9-17 март кунларида кузатилган бўлса, шакл берилган вариантларда эса бу кўрсаткич 10-20 мартгача давом этди. Қўйғос гуллаши шакл берилмаган дарахтларда 13-21 март кунлари аниқланган бўлса, шакл берилган вариантларда эса ўртача 14-25 мартгача давом этганлиги кузатилиб, гуллаш фазасининг тугаши эса шакл берилмаган дарахтларда 21-26 мартда кузатилган бўлса, шакл берилган вариантларда эса 22-30 мартгача давом этди. Меваларининг пиша бошлаши эса 25 май 5 июньгача давом этган, шакл берилган вариантларда эса ўртача 21 майдан 3 июньгача кузатилди. Ҳазонрезгиликнинг бошланиши 9-22 октябрда бошланиб, шакл берилган вариантларда эса бу кўрсаткич ўртача 14-27 октябр кунларида бошланди. Ҳазонрезгиликнинг тугаши эса шакл берилмаган вариантларда 5-17 ноябрда кузатилиб, шакл берилган вариантларда эса 8-20 ноябргача давом этганлиги аниқланди. Вегетация даври шакл берилмаган вариантларда 246-251 кунгача, шакл берилган вариантларда эса 248-255 кунгача давом этганлиги аниқланди. Ушбу фенологик фазалар қолган навларда тегишли тартибда жадвалда келтирилди. (1-жадвал)

Қурғоқчиликка чидамлик, сув режими жараёнлари билан атроф муҳит омиллари ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик ва юқори мослашувчанлик хусусиятлари ўрганилиб, бу борада Субхони Заря навида барг сатҳи йирик баргларида ўртача 42 см², кичик ўлчамдаги баргларида эса ўртача 31 см² ни ташкил қилди. Наджими навида эса бу кўрсаткичлар йирик баргларида ўртача 50 см² гача, кичик ўлчамдаги баргларида эса 29 см² гача бўлган баргларида кузатувлар олиб борилди. Юбилей Навой навида йирик баргларида сатҳи 82 см² гача, кичик ўлчамдаги баргларида эса ўртача 31 см² ўлчамдаги ҳамда Исфарак Бадамский навларида йирик баргларида 47 см², кичик ўлчамдаги баргларида эса 23 см² ни ташкил этди. Субхони Заря навида барг оғирлиги йирик баргларида 0,82 мг, кичик ўлчамдаги баргларида эса 0,50 мг ни, Наджими навида йирик баргларида ўртача оғирлиги 1,30 мг дан кичик ўлчамдаги баргларида эса бу кўрсаткич 0,20 мг гача кузатилди. Юбилей Навой навида йирик баргларида ўртача 0,92 мг дан кичик ўлчамдаги баргларида 0,87 мг гача, Исфарак Бадамский навида йирик баргларида ўртача 1,16 мг, кичик ўлчамдаги баргларида эса 0,56 мг ни ташкил этди. Вегетация даврида барг тўқималарининг сув билан таъминланиш даражаси, сувни сақлаш хусусияти, шунингдек ёзининг иссиқ даврида ҳам крахмал синтезини амалга ошириш хусусияти орқали қурғоқчиликка чидамлигини намоён қилди. Наджими ва Субхони Заря навларининг қўғоқчиликка чидамлигини асосан,

дарахтларининг ва баргларининг ўрганилаётган навларга нисбатан кичиклиги, табиатнинг ноқулай шароитларида ҳам таркибида етарли даражада намликни сақлаб қолиш имконияти мавжудлиги билан ажралиб чиқди. Ўрганилаётган ўрик навларининг барглари сони, барг сатҳи, барг таркибидаги сув миқдори дала ва лаборатория шароитида аниқланди. **(2-жадвал)**

Ўрик коллекциясида 28 хил навлар ўрганилиб, ушбу навларда йиллик кучли ўсувчи новдаларини 15 см қолдириб кесилган усулда вегетация даврининг ҳар бир ойига ўртача ўсиш 8,4 см дан тўғри келди, дарахтда шох-шаббаларининг ривожланиши ҳамда баргларининг ривожланиши юқори бўлганлиги аниқланди. 30 см қолдириб кесилган усулда вегетация даврининг бир ойига ўртача 5,7 см дан тўғри келди. 45 см қолдириб кесилган усулда ва йиллик ўсувчи новдаларни қисқартмасдан қолдирилган усулларда юқоридагиларга нисбатан сусти 4,2 дан 2,5 см гача ривожланиш кузатилди. Олиб борилган кузатувларга кўра Наджими ва Субхони Заря навларининг йиллик ўсувчи новдаларини 45 см қолдириб ҳамда Юбилей Навой ва Исфарак Бадамский навларида эса йиллик ўсувчи новдаларини 30 см қолдириб кесилган усулларда шакл берилганда қолган вариантларга нисбатан юқори ҳосилдорликка эришилди.

1-жадвал

Ўрик навларида фенологик фазаларнинг кўрсаткичлари (2017-2019 й)

№	Навлар	Йиллар	Кургак бўғиши	Ғунчаланиш	Гуллаши				Тўлиқ барг чиқариши	Меъаси липша бошланиши	Барг сарғайиши	Ҳазонрезгилик				Вегетацияда ври(хун)
					бошланиши	тўлиқ гуллаши	туғали	Тўлиқ барг чиқариши				Меъаси липша бошланиши	Барг сарғайиши	Бошланиши	тўлиқ тўлиқ	
1	Наджими	2017	11/Ш	14/Ш	17/Ш	21/Ш	26/Ш	10/ТV	5/VI	30/Х	19/Х	2/ХI	13/ХI	247		
		2018	4/Ш	7/Ш	9/Ш	13/Ш	21/Ш	5/ТV	25/V	10/Х	9/Х	24/Х	5/ХI	246		
		2019	11/Ш	14/Ш	16/Ш	19/Ш	25/Ш	11/ТV	5/VI	3/ХI	22/Х	5/ХI	17/ХI	251		
		ўргача	9/Ш	12/Ш	14/Ш	18/Ш	24/Ш	9/ТV	3/VI	26/Х	17/Х	31/Х	12/ХI	248		
2	Субхони Заря	2017	12/Ш	15/Ш	18/Ш	22/Ш	27/Ш	12/ТV	24/VI	29/Х	11/Х	25/Х	13/ХI	246		
		2018	4/Ш	8/Ш	10/Ш	13/Ш	21/Ш	2/ТV	9/VI	14/Х	8/Х	26/Х	5/ХI	246		
		2019	9/Ш	12/Ш	14/Ш	17/Ш	23/Ш	7/ТV	16/VI	4/ХI	14/Х	29/Х	15/ХI	251		
		ўргача	8/Ш	12/Ш	1/Ш	17/Ш	24/Ш	7/ТV	16/VI	26/Х	11/Х	27/Х	11/ХI	248		
3	Исфарак Бадамский	2017	14/Ш	17/Ш	20/Ш	25/Ш	30/Ш	10/ТV	18/VI	19/Х	20/Х	4/ХI	15/ХI	246		
		2018	4/Ш	7/Ш	9/Ш	12/Ш	20/Ш	4/ТV	3/VI	20/Х	14/Х	29/Х	12/ХI	253		
		2019	6/Ш	9/Ш	11/Ш	13/Ш	20/Ш	7/ТV	6/VI	3/ХI	1/ХI	15/ХI	25/ХI	264		
		ўргача	8/Ш	11/Ш	13/Ш	17/Ш	23/Ш	7/ТV	9/VI	24/Х	19/Х	6/ХI	17/ХI	254		
4	Юбилей Навой	2017	13/Ш	16/Ш	19/Ш	24/Ш	28/Ш	10/ТV	23/VI	25/Х	20/Х	30/Х	16/ХI	248		
		2018	3/Ш	6/Ш	8/Ш	11/Ш	19/Ш	4/ТV	7/VI	18/Х	7/Х	18/Х	3/ХI	245		
		2019	7/Ш	10/Ш	12/Ш	15/Ш	21/Ш	8/ТV	14/VI	4/ХI	23/Х	1/ХI	17/ХI	255		
		ўргача	8/Ш	11/Ш	13/Ш	17/Ш	23/Ш	7/ТV	15/VI	26/Х	17/Х	27/Х	12/ХI	249		

2-жадвал

Ўрик навларида 2017-2019 йилларда дарахтларнинг барглари сони, барг сатҳи, таъбий ва қуритилган вазн ўлчамлари 2009 йилда экилган.

№	Навлар	Йил	Барглари сони (1т)	Барг сатҳи (см ²)			Баргнинг таъбий оғирлиги (г)			Баргнинг қуруқ оғирлиги (г)		
				йirik барглари	ўртача барглари	кичик барглари	йirik барглари	ўртача барглари	кичик барглари	йirik барглари	ўртача барглари	кичик барглари
1	Наджими	2017	12260	42	35	29	1,22	1,06	0,56	0,41	0,36	0,19
		2018	11384	52	37	30	1,36	1,11	0,58	0,49	0,39	0,20
		2019	12053	50	36	29	1,30	1,10	0,57	0,48	0,38	0,20
2	Субхони Заря	2017	11640	39	31	22	0,76	0,52	0,48	0,22	0,19	0,16
		2018	10875	41	32	24	0,81	0,54	0,51	0,25	0,21	0,19
		2019	11128	42	31	23	0,82	0,56	0,50	0,24	0,20	0,18
3	Исфарақ бадамский	2017	15340	47	38	27	1,16	0,92	0,63	0,53	0,42	0,36
		2018	13875	40	35	23	0,98	0,86	0,56	0,48	0,39	0,31
		2019	14786	42	37	24	1,23	0,95	0,67	0,54	0,43	0,38
4	Юбилей Навоий	2017	12820	79	39	31	0,87	0,59	0,40	0,33	0,26	0,12
		2018	10972	81	58	36	0,90	0,73	0,44	0,35	0,30	0,14
		2019	11956	82	59	37	0,92	0,75	0,46	0,37	0,31	0,15

Хулоса: Наджими ва Субхони Заря навлари тажрибадаги бошқа навларга нисбатан барг сатҳининг кичиклиги сийрак ва бирмунча калта шохланганлиги боис ушбу навларга йиллик ўсувчи новдаларини 45 см қолдириб кесиш юқори самарадорликни таъминлайди. Юбилей Навоий ва Исфарақ Бадамский навларида эса шох-шаббаларининг ривожланиши ҳамда барглари ривожланиши Наджими ва Субхони Заря навларига нисбатан юқори бўлганлиги боис йиллик ўсувчи новдаларини 30 см қолдириб кесиш самарали эканлиги аниқланди. Ушбу навлар қолган навларга нисбатан иссиқликка ва қурғоқчиликка чидамлилиги билан фарқ қилади

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Рибиков А. А, Острахова С. А Ўзбекистон мевачилиги “Ўқитувчи” Тошкент 1981. 30-бет.
2. Кушниренко, М. Д. Устойчивая регуляция водообмена растений / Устойчивость с.-х. растений к засухе и экстремальным температурам.- Кишинев.-1986.- с. 3-15.
3. Лищук А. И. Ильницкий О. А Адаптационные особенности абрикоса при различном водообеспечении // Повышение продуктивности абрикосовых насаждений: сб. научн. тр. Ялта, 1986, Т. 100- С. 109-116.
4. Камолов Н., Ахмедов Т. А., Назиров Х. Н. «In situ/On farm сохранение и использование агробиоразнообразия плодовые культуры и их дикие сородичи) в Центральной Азии» Академии сельскохозяйственных наук Институт садоводства и овощеводства Таджикской Проект Bioversity Internationa /UNEP–GEF. 2010 с-8.

5. С. Пирс Дала ва лаборатория тажрибалари ҳамда илмий ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришда синаш ва татбиқ этиш мевачилиқда умум қабул қилинган «Полевые опыты с плодовыми деревьями».
6. Х. Буриев, Н. Енилеев ва б, «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси». 2012 28-29-с.
7. Методические рекомендации по феноклиматической оценке абрикоса в Крыму // ВАСХНИЛ Никит, бот. сад.- Ялта,- 1985.- 48 с.
8. Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур / Под. Ред. Е. Н. Седова.- Орел: изд-во ВНИИСПК, 1999, - 608 с.

УДК 634. 512 / 581.2/ 632.9

Умаров З. А., Акбаралиев И. Р, Пулатов А.
(Тошкент, Узбекистан)**ЁНҒОҚЗОРЛАРДА УЧРАЙДИГАН ҚЎНҒИР ДОҒЛАНИШ
КАССАЛЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

Аннотация. Олиб борилган илмий тадқиқотларимизда ёнғоқ дарахтининг қўнғир доғланиш (марссониноз) касаллигига қарши Дифен Супер 55% н.кук., Хорус с.д.г., Скор 25% эм.к.ва Лингер 50% сус.к.фунгицидлари синовдан ўтказилди. Олиб борилган тадқиқот натижаларида ёнғоқ дарахтининг қўнғир доғланиш касаллигига қарши Дифен Супер 55% н.кук.фунгицидини (0,25 кг/га) уч мавсум давомида қўлланилганда касалликлардан сақлаб қолиниб, 91,5-92,6% биологик самарадорликка эришилди.

Калит сўзлар. Марссониноз, фунгицид, барг, мева, ҳарорат, касаллик, замбуруғ, касаллик ривож, зарарланиш, биологик самарадорлик.

Abstract. In our study, Difen Super 55% WP, Horus WG, Score 25% EC, fungicides Linger 50% SC were tested against brown walnut stains (marssoniosis). According to the results of the study, Difen Super 55% WP against a brown spot nut disease. fungicide (0,25 kg/ha) was used to protect against diseases for three seasons and reached a biological efficiency of 91,5-92,6%.

Keywords. Marssoniosis, fungicide, leaf, fetus, temperature, disease, fungus, disease progression, damage, biological effectiveness.

Кириш. Сўнги йилларда Республикамизда интенсив боғдорчиликка катта эътибор қаратилиб уларни майдонларини кенгайтириб, юқори ҳосил олишга катта эътибор берилмоқда. Ҳудудларда тупроқ иқлим шароити турли хил бўлган интенсив типдаги мевали дарахтлар етиштириш учун қулай ҳисобланиб, улардан юқори ва сифатли ҳосил олиш имкониятини беради.

Ҳозирги кунда дунёнинг турли давлатларидан келтирилган, интенсив усулда етиштирилаётган мевали боғларда аввал Республикамиз маҳаллий боғларида учрамаган ёки зарари сезиларли даражада бўлмаган касаллик ва зараркунандалар авж олиши кузатилмоқда. Шунингдек, ҳудудларда етиштирилаётган ёнғоқзорларда ҳам бир қанча касалликлар мавжуд бўлиб, улар орасида ёнғоқнинг қўнғир доғланиш (марссониноз, антракноз), уншудринг, оқ доғланиш, цитоспороз (инфекцион қуриш) каби касалликлари катта зарар келтирмоқда. Ёнғоқнинг қўнғир доғланиш (марссониноз, антракноз) касаллиги барча ёнғоқ дарахти ўсадиган минтақаларда, жумладан Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Марказий Осиёда Қирғизистон, Қозоғистон ва Республикамизнинг кўпгина ҳудудларида кенг тарқалган. Бу касаллик кўпгина хўжаликларга иқтисодий зарар етказиб, ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади [2].

Касалликни *Melanconialis* тартибига мансуб бўлган *Marssonina juglandis* целомицет замбуриғи, телиоморфаси *Gnomonia leptostyla* аскомицет замбуруғи кўзғатади. Қўнғир доғланиш касаллиги билан ёнғоқнинг барг, барг

банди, новда ва мевалари зарарланади. Баргларда оч-кўнғир ёки кулранг-кўнғир, думалоқ, кейинчалик хар хил шаклли ва ўлчамли, баъзан ўртаси очроқ, атрофи тўқроғ тусли доғлар пайдо бўлади. Баргларнинг ҳар икки томони кўпинча остки тарафида майда (нуқта шаклли), жигарранг, кейинчалик қора тусли доиралар ҳосил қилувчи ёстиқчалар ҳосил бўлади. Барг бандлари ва унинг асосий томирларида узунчоқ, эллипс шаклли, қора тусли доғлар пайдо бўлиб, барглар қуриydi ва тўкилади. Меваларида кўнғир доғлар ҳосил бўлиб, доғ бўлган тарафидан чатнаб, ёрилиб кетади, мева мағзи қорайиши ва қуриб қолиши мумкин [2].

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар қишлоқ хўжалиги фитопатологиясида умум қабул қилинган усуллар асосида бажарилди. Касалликлар билан зарарланиш ва касалликнинг ривожланиши А. Е. Чумаков, И. И. Минкевич касалликларга қарши фунгицидларни қўллаш, биологик самарадорликларини аниқлашда Ш. Т. Хўжаев услубий қўлланмаларидан фойдаланилди [1, 3, 4].

Тадқиқотни ўтказиш шароити. Тадқиқотлар 2019 йилда Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Бўстонлик-тоғ илмий тажриба станциясига қарашли 2,8 гектар ёнғоқзордаги “Идеал” навида ўтказилди.

Тадқиқот натижалар. Касалликка қарши фунгицидларни синаш натижалари тажрибалари БУВИТИ БТИТС ёнғоқзорларида 2019 йилда ўтказилди. Тажриба 5 вариантда иборат бўлиб, унда тўртта кимёвий фунгицидлар (Дифен Супер 55% н.к.к., Хорус с.д.г., Скор 25% эм.к. ва Лингер 50 % сус.к.) катта меъёрларда синалди. Фунгицидлар дарахтларга ҳар мавсум давомида уч мартадан пуркалди. Ёнғоқ барглари, новдалари ва меваларида касаллик тарқалиши ва ривожланиши ҳисобга олинди. Касалликнинг ривожланиш ҳамда фунгицидларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш учун биз таҳлилларимизда бирламчи маълумотларни қайта ишлаб, формула орқали топилган. Тажриба натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

жадвал.

Ёнғоқнинг кўнғир доғланиш (марссониоз) касаллигига қарши фунгицидларнинг биологик самарадорлиги. БУВИТИ БТИТС, 2019 йил (Идеал нави).

Вариант	Эритма сарф меъёри, л, кг/га	Ўсимлик аъзолари	Зарарланиши даражаси, %	Касаллик ривож, %	Биологик самарадорли к, %
Назорат (<i>ишлов берилмаган</i>)	-	Барг	68,3	27,3	-
		Новда	28,5	11,4	-
		Мева	20,2	8,1	-
Скор 25% эм.к (<i>дифенокназол</i>) (андоза)	0,2	Барг	4,4	2,7	89,9
		Новда	2,2	1,1	90,4
		Мева	1,2	0,6	91,2
Хорус с.д.г. (<i>ципродинил</i>)	0,4	Барг	5,8	2,9	89,3
		Новда	2,2	1,1	90,3

		Мева	1,6	0,8	90,1
Дифен Супер 55% н.к.к. (дифеноконазол+тиаме токсам)	0,25	Барг	4,6	2,3	91,5
		Новда	1,8	0,9	92,1
		Мева	1,2	0,6	92,6
Лингер 50 % сус.к. (хлороталонил)	2,5	Барг	5,6	2,8	89,7
		Новда	2,6	1,3	88,4
		Мева	1,8	0,9	88,8

Тадқиқот натижаларига кўра, назорат (кимёвий ишлов берилмаган) вариантда ёнғоқнинг “Идеал” нави кўнғир доғланиш касаллиги билан зарарланиш 68,3% ни ташкил қилган бўлса, касаллик ривожини 27,3% экалиги аниқланди.

Андоза сифатида эса, Скор 25% эм.к фунгициди 0,2 л/га қўлланилганда зарарланиш 4,4% ва 1,2% ни, касаллик ривожини 2,7% ва 0,6% ни ташкил қилди. Биологик самарадорлик 89,9% дан 91,2% гачани ташкил этди.

Кўнғир доғланиш касаллигига қарши Дифен Супер 55% н.к.к.фунгицидини юқори меъёردа қўлланилганда, ёнғоқ дарахтида зарарланиш 4,6% ва 1,2% ни, касалликнинг ривожланиши 2,3% ва 0,6% ни ташкил қилди. Биологик самарадорлик 91,5% дан 92,6% гачани ташкил қилди.

Хорус с.д.г.фунгицидини ҳам юқори меъёрдa қўлланилганда, ёнғоқ дарахтида зарарланиш 5,8% ва 1,6% ни, касаллик ривожини 2,9% ва 0,8% ни ташкил қилди. Биологик самарадорлик 90,5% дан 92,6% гачани ташкил қилди.

Хулоса қилиб айтганда ёнғоқ дарахтининг кўнғир доғланиш касаллигига қарши Дифен Супер 55% н.к.к.фунгицидини (0,25 кг/га) уч марта мавсум давомида қўлланилганда 89,3-90,1% биологик самарадорликка эришилди.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркундалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари ҳамда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхати. – Тошкент, 2018. – Б. 35-52.
2. Хасанов Б. А., Очилов Р. О., Ҳолмуродов Э. А., Гулмуродов Р. А. мевали ва ёнғоқли мевали дарахтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш. – Тошкент, 2010. – Б. 95-100.
3. Ходжаев Ш. Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. – Тошкент, 2004. 103 – б
4. Чумаков А. Е., Минкевич И. И., Власов Ю. И., Гаврилова Е. А. Основные методы фитопатологических исследований // Научные труды ВАСХНИЛ. – Москва; «Колос», 1974. - С. 57.

УДК 636.083

Хакимов Ўқтам Тошботирович,
Ҳакимов Уқтам Нормухаммедович
(Тошкент, Узбекистан)

ТОҒ ОЛДИ АДИР ЯЙЛОВЛАРИДА ҒЎШТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ЯЙЛОВ ҚОРАМОЛЧИЛИГИНИ ИЛМИЙ АСОСДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: Қизилқум ва Нурота тоғ олди дашт-адирларида яйлов қорамолчилигини ташкил этишда илмий-тадқиқот ва амалий ишларининг натижалари, ҳамда юқори маҳсулдор, кўрсатилаётган шароитга мослаша оладиган Қозоққоқбош зотли қорамолларнинг маҳаллий линияларини яратиш технологиялари қисқача баён этилган. Яйлов қорамолчилигининг озуқа базасини ташкил этишда маданий яйлов ва пичанзорлардан, ҳамда павловния плантацияларидан фойдаланиш истиқболлари бўйича фикр-мулоҳазалари келтирилган.

Калит сўзлар: Қизилқум чўли, қорамол, яйлов қорамолчилиги, ғўшт-сут йўналиши, зот, қозоққоқбош зоти, қизил-чўл зоти, маҳаллий қорамол, павловния баргелари, изен, маданий яйлов.

Аннотация: Результатынаучно-исследовательских и практических работ по создание пастбищное скотоводства, а также новые технологии районирования и создание новые линии парод Казахской белоголовье в Кызылкуме и предгорье Нуратау. Перспективы использования культурных пастбищ и сенокос, а также листьяпавловниевое плантации для создание кормовой базы в пустынном животноводстве.

Ключевые слова: Пустынь Кызылкум, крупный рогатый скот, пустынная скотоводства, мясо-молочное направление, порода, казахскаябелоголовая порода, красно-степная порода, местный скот, листья павловния, изень, культурный пастбищ.

Қизилқум ўзига хос улкан экологик ҳудуд бўлиб, Ўзбекистоннинг энг йирик қумли чўли ҳисобланади. Қизилқум - географик жиҳатдан Амударё ва Сирдарё оралиғининг ўрта қисмида денгиз сатҳидан 114-700 м баландликгача бўлган майдонларда жойлашган чўллардан иборат. Қизилқумнинг иқлими ўта қурғоқчил (ўртача йиллик ёғин–сочин миқдори 100–130 мм) ва кескин континентал (температура ёзда +45°С гача, қишда -30°С гача), ёғингарчилик асосан, қиш ва баҳор ойларида кузатилиб,

Май ойидан октябр ойигача ёмғир бўлмаслиги билан биргаликда, ҳаво температурасининг кўтарилиши ҳамда кучли шамоллар (довул – қум бўронлари) ҳавонинг нисбий намлигини 15-20 фоизгача (Томди, Оқбайтал, Қулқудук) пасайтириб юборади. Бундай иқлимда ўзига хос ўсимликлар флораси шакланган бўлиб, Ўрта Осиёнинг эндемик (маҳаллий) флорасидаги 226 туридан 141 тури Жанубий – Ғарбий Қизилқумда ўсади холос (И. И. Гранитов, 1964). Марказий Қизилқумда бундан ҳам кам бўлиб, бу ҳудуднинг тупроқ таркиби ва ўсимлик дунёси кам ўрганилган (М. М. Махмудов,

2010).

Чўлда чорвачилик асосан ўсимлик дунёси ва ичимлик сувига чамбарчас боғлиқ. Ўрта Осиёнинг гипсли ва гипсли-қумли чўлларининг яйлов ҳосилдорлиги паст бўлиб, бу ерларда ҳатто, туячилик ҳам қоракўлчиликдай яхши ривожланмаган. Сабаби, бундай чўлларда ўсимликлар қоплами қумли чўлларга нисбатан анча сийрак бўлиб, озуқабоп чўл ўсимликларнинг турларининг миқдори 30 дан зўра ошади, қумли чўлларда эса уларнинг сони қарийиб икки баравар кўп (Махмудов М.М. ва бошқалар, 2001). Гипсли чўл яйловларининг йиллик озуқа захиралари гектаридан йиллар бўйлаб 0,5-2,0 центнер атрофида ўзгариб туриши қайд қилинган (Гранитов А.И., 1964). Гипсли чўлларнинг тупроғида гипс (кальций сульфат + сув) қатламнинг жуда юза (20-80 см) жойлашганлигидадир, гипснинг ўзи ўсимликларга бевосита кимёвий салбий таъсир кўрсатмасада, улар илдизининг тупроққа чуқуқроқ киришига механик тўсиқ бўлиб, ўсимликлар илдиз системасининг ривожланишига йўл қўймайди.

Қизилқум флорасидаги озуқабоп ўсимликларни ўрганишда ЎЗР ФА Ботаника институти экспериментал лабораториясининг ва ҚЧЭИТИининг ходимлари ўзларининг катта ҳиссаларини қўшишган.

Қизилқумнинг Навоий вилоятига тегишли бўлган 9,2 млн.га ҳудудда ҳеч қандай дарё ва суғориладиган майдонлар мавжуд эмас, деҳқончилик билан шуғулланишнинг имкони деярли йўқ. Шу сабабдан, мазкур ҳудудда асосан қоракўлчилик ва туячилик ривожланган бўлиб, ичимлик суви қудуқларга тўғри келади. Бироқ, Қизилқумдаги ҳамма қудуқларнинг ҳам суви чучук эмас.

Республикамизда гўшт нархларининг нисбатан баландлиги ва унинг баҳосини янада ошиб кетиши, халқимизни гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги энг катта муоммо ҳисобланади. Шунинг учун қорамол гўштини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг таннархини тушириш муоммосини ечиш мақсадида яйлов қорамолчилигини шакллантириш зарур. Яйлов қорамолчилигини шакллантириш учун аввало лалмикор майдонларда маданий яйлов ва пичанзорларни ташкил этиш керак.

Қурғоқчиликка чидамли яйлов ўсимликлари (изен, чўл эрак ўти ва бошқалар) ҳисобига ҳосилдорлиги 15-20ц/га. бўлган маданий яйловлар ташкил этиш орқали яйлов қорамолчилиги озуқа базасини яратиш мумкин.

Маданий яйловларда гўшт йўналишидаги қорамолчилик АҚШ.да жуда ривожланган бўлиб, у ердаги тоғ олди чўл ҳудудларининг иқлими бизнинг(Қашқадарё, Навоий ва Самарқанд вилоятлари) тоғ олди қир-адир ва даштларимизга тўғри клади.

Сут, сут-гўшт ва гўшт йўналишидаги қорамоллар иссиқ иқлим шароитида интенсив усулда боқилганда юқори гўшт маҳсулдорлигини кўрсатади, бироқ ўта юқори гўшт маҳсулдорлигини уларни қозоққош зотли, герефорд, шароле ва аберден ангус зотли қорамолларнинг бўқалари билан чатиштириб олинган дурагайларни саноат асосида интенсив боқиш орқали олиш мумкин. (Хидиров И. 1984 йил. 7.)

Нурота тоғолди адирларида яйлов қорамолчилигини ривожлантиришнинг имкониятлари мавжуд. Мазкур ҳудуднинг майдони тахмини 0,8-1,0 млн.гектар бўлиб, гўшт йўналишидаги қорамолчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларини ташкил этса бўлади. Бу борада,

илмий-тадқиқот ва амалий ишларга ҳам қўл урилган.

Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг олимлари Навоий вилояти Конимех тумани “Шўркўл” ширкат хўжалигининг сутчилик фермасида қизил-чўл зотли қорамолларда (Ў. Т. Ҳакимов, Ш. М. Рўзиев; 2005) илмий-тадқиқот ишларини ўтказган.

Тажрибалар даврида хўжалик фермалари яқинидаги яйлов озуқасининг етарли бўлмаганлиги сабабли чорва молларини боқиш технологиясига ўзгартиришлар киритилган ҳолда, табиий ҳайдов (локал) яйловларидан қўшимча озуқа манбаси сифатида фойдаланилган. Қорамоллар дашт-адир яйловларида бир бош қорамолга 1,5-2 га ўтли яйлов тўғри келди. Бу даврда моллар бир неча бор кичик локал яйловларда босқичма-босқич кўчириб, ҳайдаб боқилган.

Тажрибадаги молларнинг зоотехникавий, технологик, клинко-физиологик, иммунобиологик, этологик, маҳсулдорлик ва иқтисодий кўрсаткичлари ўрганилган. Молларни яйловга ҳайдашдан олдин баъзи касалликларга қарши профилактика ва ветеринария тадбирлари амалга оширилган.

Оскільки предметом нашого дослідження є інноваційні технології, ми вважаємо доречним визначити поняття «інновація». Так, у словниках найчастіше зустрічається таке визначення, як «зміна, утворення нового, результат змін» [21]. «Інноваційні технології навчання – цілеспрямовані, систематичні й послідовні впровадження у практику педагогічної діяльності оригінальних, новаторських способів та прийомів педагогічних дій і засобів, що охоплюють цілісний навчально-виховний процес від визначення його мети до очікування результатів» [8, с. 155].

Вивчаючи передовий досвід використання інноваційних технологій у мовну освіту майбутніх фахівців доходимо висновку про переважне застосування останніми таких технологій, як: подійна дискусія, панельна дискусія, форум, колоквиум, круглий стіл, симпозіум, дебати, ток-шоу, інтерв'ювання, технологія акваріуму, “мозковий штурм”, синектика, проектні технології, розробка портфоліо, кейси, рольові ігри, презентації, технології моделювання ситуацій, комунікативні тренінги, створення дерева рішень, постер-сесія, віртуальна екскурсія тощо [16].

Аналіз психолого-педагогічної літератури дозволяє дійти висновку про те, що поняття інноваційні та інформаційні технології, часто ототожнюються авторами. Проте, навіть якщо впровадження інформаційних технологій, безумовно вважається інновацією, поняття «інноваційні технології» має більш широке поле застосування, зокрема у мовній підготовці майбутніх фахівців.

Розглянемо впровадження інноваційних технологій у процес навчання, яке на думку А. Маслоу та К. Роджерса має певні принципи. До таких принципів, на думку авторів належить диференціація навчання, розвиток та самореалізація творчих здібностей, визнання провідної ролі мотивації навчання, повага до особистості, активізація та інтенсифікація в навчанні. Впровадження інноваційних технологій у мовну підготовку майбутніх фахівців забезпечує реалізацію певних принципів організації навчально-пізнавальної діяльності тих, хто вчиться. Говорячи про навчання англomовної презентації студентів економічних напрямків Ю. Авсюкевич визначає такі принципи, як: принципи мотиваційної достатності, культурологічності, практичної реалізації комунікативної компетенції, зануреності у предметний зміст навчання,

предметності та інтегрованості навчання чотирьох видів мовленнєвої діяльності, автономії творчої навчальної діяльності, творчої співпраці [1].

Для здійснення ефективної викладацької діяльності викладач повинен мати певні професійні компетенції. До них автор П. Перену відносить такі компетенції, як: створення ситуацій навчальної діяльності та контролю, відповідальність і дотримання етичних норм, інтегрування знань й культури в процесі навчання, коректне спілкування мовою навчання, проектування навчання і контролю, самоосвіта, управлінські вміння, ефективне керування навчальним процесом, реалізація диференційованого підходу, впровадження інформаційно-комунікаційних (інформаційно-комунікаційних) технологій, участь у діяльності освітнього співтовариства, робота в команді [22, с. 65]. Автори А. Арістова, Х. Бахтіярова, С. Волобуєва говорять про те, що впровадження інноваційних технологій висуває нові вимоги до викладача, який повинен: діагностувати цілі навчання, виховання та особистісного розвитку; глибоко володіти навчальним предметом; моделювати професійну діяльність майбутнього фахівця за умов професійного навчання; визначати й цілісно прогнозувати структуру навчального процесу; організовувати самостійну та самоосвітню роботу студентів для підготовки до лекцій, семінарів, лабораторних та практичних занять; розробляти опорні конспекти та структурно-логічні схеми для ефективної побудови лекцій; створювати принципово нові різновиди наочних засобів (раціональної наочності); вільно володіти методами проблемного розвивального навчання (активними методами); знати та вміти диференціювати групову роботу або індивідуальні заняття з використанням комп'ютерів тощо [8, с. 29]. Безумовно, кінцевий результат навчання досить багато залежить від професіоналізму викладача, наявності у останнього компетенцій із здійснення викладацької діяльності. Проте, не слід забувати, що результативність навчальної діяльності залежить як від зовнішніх, так і від внутрішніх чинників. Зазвичай до зовнішніх чинників відносять особливості реалізації функцій управління навчанням (планування, організацію, мотивацію, інформаційна функція, контроль, аналітика), методи та форми навчання, види завдань. До внутрішніх чинників належать психологічні особливості тих, хто навчається. Таким чином, впровадження інноваційних технологій у викладання будь-якої дисципліни професійного циклу має здійснюватися у спосіб інтегрування в процесі навчання особистісні та професійні цілі майбутніх фахівців (їх професійна та творча самореалізація), суспільні та освітні цілі (засвоєння освітніх стандартів з певної спеціальності). Що надає особливого сенсу навчання, сприяючи ефективності навчального процесу.

Впровадження інноваційних технологій майбутніх фахівців, передусім, є певною системою дій та взаємодій активних учасників процесу навчання, які забезпечують досягнення певного результату. Але, яким чином програмувати ту чи іншу систему дій? Передусім, перш ніж обрати або розробити ту чи іншу інноваційну технологію, викладач має визначитися з тим, яку модель навчання він обирає: предметно-зорієнтовану або особистісно зорієнтовану.

Для цього йому належить визначити наступні ключові моменти: хто домінує у навчальному процесі, як оцінюються результати діяльності, яким чином здійснюється мотивування та враховується власний досвід тих, хто

навчається [8, с. 35].

Підсумовуючи, можна зробити певні висновки. Впровадження інноваційних технологій у мовну підготовку майбутніх фахівців являє собою «технологічну структуру» процесу навчання дисципліни професійного циклу (у нашому випадку - іноземної мови).

Така структура є системою дій, операцій, способів, засобів, технік, функцій учасників навчально-виховного процесу (майбутніх фахівців та вчителів) на основних етапах вивчення іноземної мови. Маючи на увазі впровадження певного професійного, мовленнєвого та мовного змісту інноваційна технологія розробляється або обирається на підставі «моделі організації навчального процесу у вищій школі» [4] і має забезпечити:

1) дидактичну реалізацію в процесі навчання результативності всіх її блоків: цільового та мотиваційного, теоретико-методологічного, змістовно-технологічного, рефлексивно-аналітичного, результативно-оцінювального; 2) зближення процесу навчання з професійною діяльністю (змістовий та процесуальний аспекти).

СПИСОК ВИКОРИСТАНИХ ДЖЕРЕЛ ТА ЛІТЕРАТУРИ:

1. Авсюкевич Ю. С. Принципи навчання англomовної презентації студентів економічних напрямків / Ю.С. Авсюкевич // Іноземні мови. – 2008. - №1. – С. 25-30.
2. Артюшина М. В., Романова Г. М., Пуховська Л. П. Сучасні педагогічні технології професійної підготовки майбутніх кваліфікованих робітників. // Наукове забезпечення розвитку освіти в Україні: актуальні проблеми теорії і практики (до 25-річчя НАПН України). Збірник наукових праць. - Київ: Видавничий дім «Сам», 2017. – С. 313-320.
3. Василенко О.В. Поняття навчальної технології в зарубіжних педагогічних дослідженнях Електронний ресурс <http://elar.naiu.kiev.ua/bitstream/123456789/3046/1/%D0%92%D0%B0%D1%81%D0%B8%D0%BB%D0%B5%D0%BD%D0%BA%D0%BE%20%D0%9E.%20%D0%92.pdf>
4. Волкова Н. П. Моделювання професійної діяльності у викладанні навчальних дисциплін у вишах: монографія / Н. П. Волкова, О.Б. Тарнопольський; за заг. та наук. ред. О.Б. Тарнопольського. – Дніпропетровськ: Дніпропетровський університет імені Альфреда Нобеля, 2013. – 228 с.
5. Гончаренко С. У. Технологія навчання // Український педагогічний словник. – К.: Либідь, 1997 – С.331.
6. Загальноєвропейські рекомендації з мовної освіти: вивчення, викладання, оцінювання / наук. ред. укр. видання доктор пед. наук, проф. С. Ю. Ніколаєва. – К.: Ленвіт, 2003. – 273 с.
7. Закон України «Про вищу освіту» - Режим доступу <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/1556-18#Text>
8. Інноваційні технології навчання: Навч. посібн. для студ. вищих технічних навчальних закладів / [Кол. авторів; відп. ред. Бахтіярова Х.Ш.; наук. ред. Арістова А. В.; упорядн. словника Волобуєва С.В.]. – К.: НТУ, 2017. – 172 с.

9. Іщенко О. Вивчення англійської мови в умовах вступу України у європейський освітній простір / О. Іщенко, О. Матвіяс. // Вісник Львівського університету. – 2009. – № 25. – С. 353–357.
10. Концепція розвитку освіти України на період 2015 - 2025 років. проблеми, досвід та перспективи – Режим доступу <https://mon.gov.ua/ua/npa/prozatverdzhennya-konceptsiyi-rozvitku-pedagogichnoyi-osviti>
11. Кремень В. Г. Проблеми якості української освіти в контексті сучасних цивілізаційних змін / В. Г. Кремень // Український педагогічний журнал. - 2015. - № 1. - С. 8-15.
12. Міністерство освіти і науки України (2004) Наказ Міністерства освіти і науки України №49 від 23.01.2004 р. «Про затвердження Програми дій щодо реалізації положень Болонської декларації в системі вищої освіти і науки України на 2004-2005 роки». <http://www.mon.gov.ua/education/higher>.
13. Національна доктрина розвитку освіти у XXI столітті [Електронний ресурс]. – Режим доступу: <http://zakon2.rada.gov.ua/laws/show/347/2002>)
14. Педагогічні технології в підготовці вчителів: навч. посіб. / І. Ф. Прокопенко, О. М. Іонова, В. І. Євдокимов [та ін.]; Харк. нац. пед. ун-т імені Г. С. Сковороди; за ред. І. Ф. Прокопенка. – 3-тє вид., допов. і переробл. – Харків: ХНПУ, 2018. – 457 с.
15. Педагогічні технології у неперервній професійній освіті / [С. О. Сисоєва, А. М. Алексюк, П. М. Воловик, О. І. Кульчицька, Л. Є. Сігасва]; Академія педагогічних наук України; Інститут педагогіки і психології професійної освіти; С. О. Сисоєва (ред.). –К.: ВІПОЛ, 2001. – 502 с.
16. Полікарпова Ю. О. Традиції та інновації у викладанні іноземних мов в умовах інтеграції України до світової спільноти [Електронний ресурс] / Юлія Олександрівна Полікарпова. – 2004. – Режим доступу до ресурсу: <http://www.academia.edu/2079153/>.
17. Пометун О. І. Інтерактивні технології навчання: теорія, практика, досвід / О.І. Пометун, Л. В. Пироженко.– К.: А.С.К.,2004.–192 с.
18. Психолого-педагогічні аспекти реалізації сучасних методів навчання у вищій школі: Навч. посіб. / За ред. М. В. Артюшиної, О. М. Котикової, Г. М. Романової. — К.:КНЕУ, 2007. —528 с. С. 29)
19. Селевко Г. К. Современные образовательные технологии: Учеб. пособие. – М.: Народное образование, 1998.
20. Теорія і практика впровадження інноваційних технологій навчання у професійну підготовку кваліфікованих робітників: монографія / [Лузан П. Г., Манько В. М., Нестерова Л. В, Романова Г. М.]; за заг. ред. Г. М. Романової. – К.: ТОВ «НВП Поліграфсервіс», 2014. – 216 с.
21. Dictionnaire français en ligne - langue française - LEXILOGOS Електронний ресурс <https://www.cnrtl.fr/definition/innovation>
22. Perrenoud P. Dix nouvelles compétences pour enseigner, Issy-les-Moulineaux: ESF, 2004. – 79 p.
23. Rogers E. M. Diffusoin of innovations / Rogers E. M. – Free Press, 1983. – № 4.
24. Selwyn N. Education and Technology: Key Issues and Debates. London: Continuum International Publishing Group (2011)

**Юсупова Сохила Сайфиевна,
Нурмухамедова Мафтуна Улугбековна
Самаркандский государственный университет
(Самарканд, Узбекистан)**

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПОДХОДА К ПРОЕКТИРОВАНИЮ ДИДАКТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ

***Аннотация.** В статье была разработана методологическая основа для разработки дидактической системы, в которой кратко описаны виды и области деятельности, такие как мышление, эвристическая и творческая деятельность, коммуникационная деятельность, трудовая деятельность, речевая деятельность, образовательная деятельность и педагогическая деятельность.*

***Ключевые слова:** дидактика, проект, технология, деятельность, человек, эвристическая деятельность, творческая деятельность, коммуникационная деятельность, речевая деятельность, образовательная деятельность, педагогическая деятельность.*

Целью традиционной дидактической системы было ознакомление студентов с обобщенным и структурированным опытом человечества. Основное место в структуре образования занимали теоретические знания, в методике обучения догматические методы обучения, в формах обучения урок. Сосредоточение внимания на деятельности учителя, а не на ученике, напоминает студентам, что в процессе обучения память превалирует над мышлением, что приводит к умственной отсталости, вялости в обучении и неправильному пониманию учебного материала. Это привело к чрезмерным трудностям для студентов. Теория деятельности, созданная в работе психологов нашей страны, оказала большое влияние на развитие традиционной системы образования. Общая концепция деятельности возникла в философии. Он отличает и описывает уникальность человеческой жизни, которая заключается в целенаправленной трансформации и преобразовании природы и общества. В современной психологии вид деятельности является одним из основных критериев. «Основой для этого, пишет Г. И. Шукина, является само событие начало жизни и развития общества, всех его богатств, источник жизни человека, становление и развитие его личности».

Дидактика это раздел педагогики, который занимается теорией образования, то есть педагогом. Деятельность это процесс, посредством которого человек взаимодействует с окружающей средой и ориентируется на конкретный предмет деятельности (создание продукта, обучение, самостоятельное развитие).

Идеальные и важные концепции сознания и важные качества деятельности, такие как сознание, неразрывно связаны с деятельностью человека. Одно и то же движение может выполнять разные действия, переходя от одного к другому. В одних действиях действие может быть внутренним (отдельным от практических действий), в других внешним (их

продукт направляется на объект). Однако в любой деятельности человека есть теоретические действия, и чем сложнее практика, тем важнее роль начальных теоретических действий. Теоретические действия, в свою очередь, могут осуществляться как внутри, так и снаружи. Внешняя форма помогает освоить теоретические движения, потому что она позволяет сделать невидимые внутренние движения видимыми. Теоретические действия проходят через внешнюю форму (сначала практическую, а затем словесную) и постепенно становятся внутренними.

Способность осознанно осваивать действие называется навыком, фактически способность достигать автоматизма в максимально возможной степени описывается как навык. Если человек обладает способностью быстро контролировать выполнение действий, то на уровне навыков он не мыслит (сознательно), зная каждый элемент деятельности (при необходимости он может легко это сделать). было возможно).

На эффективность деятельности, ее успешное усвоение и выполнение влияет ее личностный смысл индивидуальное отражение реального отношения человека к объектам его деятельности, результат которого понимается как «важный для меня». Изучение этой концепции связано с принципом понимания деятельности, а также с проблемой человека, выполняющего деятельность. Идеальная модель личности изучалась учеными разных дисциплин: условия, позволяющие человеку жить как личность, характеристики разных уровней от субъективности и добросовестности до добросовестности, честности, исполнительской дисциплины и творчества и т.

Индивидуальная деятельность является соответствующим морфологическим видом деятельности

Таблица 1

Составляющие опыта человека	Основной (основной) вид деятельности
ориентация	Дорого целеустремленно
Учебные качества	Обучение
Качества творчества (труда)	Реформатор
Обмен информацией, коммуникационные качества	Обмен информацией, общение
Эстетические качества	эстетика
Физическое развитие	физический

С точки зрения В.С. Леднева, активность индивида характеризуется шестью аспектами, связанными с соответствующими морфологическими видами деятельности. Поэтому компоненты, соответствующие всем основным видам человеческой деятельности, являются основными компонентами жизненного опыта человека (Таблица 1).

Изучение психологии это изучение накопления и усвоения каждым человеком продуктов развития общества вместе со своим (равным) поколением духовными богатствами, законами природы, отношений общества и человека, самой человеческой жизни. считается необходимым историческим процессом. Результаты исследования формируют внутренний мир человека,

движущийся снаружи внутрь. Обучение имеет активный, творческий характер, который выходит за пределы знания и в конечном итоге открывает новые истины, которые имеют отношение к предмету изучения. Этот сложный процесс обеспечивается обучающей деятельностью, которая ведет к ранее обнаруженному человеком факту.

Психологи выделяют следующие процессы обучения: внимание, восприятие (через чувства), воображение (воображение), воображение, память, мышление. Активность ученика также связана с такими понятиями, как активность ученика, независимость ученика и интерес ученика, которые имеют тенденцию расширять и углублять активность ученика, а также в отношении инициативы и ценностей. Это выражается в выборе предмета, целеустремленности и уместности действий учащегося, знаниях, навыках и действиях, а также простоте использования.

Один из наиболее важных типов (процессов) учебной деятельности, который описывается как обобщенное и косвенное отражение бытия, называется мышлением. Мышление является необходимой прелюдией к любой другой деятельности, потому что любая деятельность в конечном итоге является общим результатом ее накопления и обработки. Мышление начинается с вопроса, проблемы и проблемы, которые необходимо решить. Мышление о поиске этого решения. А. М. Матюшкин называет проблемную ситуацию отдельным проявлением взаимоотношений субъекта и объекта мышления. Он описывает психическое состояние человека, которое требует открытия (открытия, усвоения) новых способов познания и деятельности, которые неизвестны субъекту.

Ю. М. Колягин определяет понятие «эвристический» в двух смыслах особая деятельность, в которой человек ведет к решению сложных, нестандартных проблем, и которую сам человек сознательно использует для решения тех же проблем и сознательно использует для решения других проблем. считает, что это может быть применено к конкретным действиям.

Речь это исторически сложившаяся форма общения людей через язык. Л.С.Выготский выделяет речевую деятельность как основную деятельность человека. пытаться убедить, проявить себя правильно, твердо придерживаться своего мнения). Эта деятельность также выражается в процессах восприятия, памяти, мышления, эмоций, воли, психики; Через речевую деятельность человек может общаться с другими людьми, узнавать все, что происходит в мире за пределами своего непосредственного опыта, узнавать себя через общение в речевой деятельности.

Учебная деятельность это деятельность по накоплению знаний о предмете обучения, накопленная обществом, и общие действия по решению смежных проблем, которая позволяет сочетать другие виды человеческой деятельности. невозможно приобрести производительный труд, искусство, спорт и т. Д. На основе анализа системы начального образования в 1961 г. Д. Б. Эльконин рассказал об образовательной деятельности и ее структуре, необходимости организации самостоятельной деятельности учащихся и разработке этих методов. выдвинута гипотеза о необходимости организации.

Сегодня проекты широко используются для развития индивидуальных способностей студентов и способности свободно выражать свое мнение.

Проект это хорошо обоснованная, спланированная и полностью изученная программа, направленная на развитие интеллектуальных и практических навыков студентов.

Мы рекомендуем следующие проекты для развития учебной деятельности учащихся начальных классов.

1. Проект «Учимся создавать и решать магические квадраты».
2. Проект «Изучение словесной арифметики».
3. Проект «Изучим математические пословицы».
4. Проект «Учимся решать поэтические проблемы».
5. Проект «Изучение места букв алфавита».
6. «Вы знаете английские названия математических компонентов?»

проект

7. Проект «Учимся читать многозначные числа».
8. Проект «Кенгуру математическая конкуренция».
9. Проект «Учимся решать математические задачи Президентской школы».
10. Проект «Учимся решать логические задачи».
11. Проект «Я решу математическую задачу моего брата».

Технология это педагогическая деятельность, которая включает в себя законы обучения, воспитания и развития личности и обеспечивает конечный результат.

Один из взглядов педагогики по этому вопросу, с которым мы согласны, заключается в следующем: у человека есть все основные качества для того, чтобы стать человеком готовность выполнять жизненные действия (включая все виды человеческой деятельности) чтобы улучшить свою жизненную деятельность и Он должен быть в состоянии овладеть и изменить себя, универсальную культуру, систему универсальных норм и ценностей, уровни знаний и методы деятельности и так далее.

«Ассимиляция» это сложный процесс обучения перехода студентов от невежества к знаниям, от случайных наблюдений от жизненного опыта и фрагментарной информации от взрослых или средств массовой информации к системе знаний, к научной картине мира.

Таким образом, существует тенденция к дидактической деятельности в обучении, содержание которой состоит из следующих требований. Создание проблем в процессе обучения, поощрение и вознаграждение инициатив студентов по поиску новых решений, обеспечение самостоятельной деятельности студентов, формирование творческой активности студентов.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Леднев В. С. Содержание общего среднего образования. Проблемы структуры. М., «Педагогика», 1980, 8 с.
2. Матюшкин А. М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. М., «Педагогика», 1972, 196 с.
3. Пущкин В. Н. Эвристика – наука о творческом мышлении. М., 1967, 64 с.

4. Колягин Ю.М. Математические задачи как средство обучения и развития учащихся средней школы. Автореф. дис....докт. пед. наук, М., 1977, 20 – 24 с.
5. Выготский Л. С. Лекции об игре. Вопросы психологии. 1966, 6 с.
6. Эльконин Д. Б. Избр. пед. труды. М., “Педагогика”, 1989, 63 с.

SECTION: PHILOSOPHY

Қамбаров Абдумутал Ахаджонович
Фарғона давлат университети
(Фарғона, Ўзбекистон)

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИМЛАРИ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯДА ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация. Мақолада Марказий Осиёда яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий мероси чуқур муҳокама қилинади, унинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва роли очиқ берилади. Шунингдек, Марказий Осиёда маданият, таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ҳамда архитектура соҳаларидаги беқиёс юксалишлар, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши, вояга етиши – буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар хўжалигининг анча жадал ўсиши, хунармандчилик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланишига олиб келганлиги ёритиб берилади.

Калит сўзлар: мутафаккир, илмий мерос, жаҳон цивилизацияси, маданият, таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат, архитектура, илмий мактаб, иқтисодиёт, хунармандчилик.

РОЛЬ НАУЧНОГО И ФИЛОСОФСКОГО НАСЛЕДИЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКИХ УЧЕНЫХ В СОВРЕМЕННОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ

Аннотация. В статье обсуждается научное наследие великих мыслителей и философов, которые жили и работали в Центральной Азии, раскрывается их роль и место в истории современной цивилизации. Кроме этого, описываются огромные достижения в области культуры, образования, медицины, литературы, искусства и архитектуры в Центральной Азии, появление научных школ, развитие талантливых людей нового поколения в связи с быстрым ростом ремесленничества и торговли, развития экономики, сельского хозяйства и городской инфраструктуры.

Ключевые слова: мыслитель, научное наследие, мировая цивилизация, культура, образование, медицина, литература, искусство, архитектура, научная школа, экономика, ремесленничество.

Бугунги кунда компьютер технологияси, информацияга боғлиқ фанлар глобаллашиб бориши, молекуляр биология ва генетиканинг аҳамияти ортиши, фан эса моддий ва маънавий бойлик манбаи сифатида эътироф этилиши натижасида унинг аҳамияти биринчи ўринга чиқиб қолди. Инсон ақлий фаолият функцияларини компьютерларга топшириш масаласи юзага келгани муносабати билан фалсафанинг гносеология таълимотида сунъий ақл тушунчаси вужудга келдики, бу фан, инсон, жамият, техника, ижтимоий онг ва

бошқа мавзуларга янгича ёндашувни тақозо этади.

Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чораҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уломалар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади [1, 82]. Шу ўринда айтиш мумкинки, Марказий Осиёда яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур муҳокама қилиш ва англаш, унинг замонавий цивилизация тарихида туган ўрни ва ролини очиб беришдан иборатдир. Ана шу бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга янги туртки бериш бугуни куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Она заминимиздан етишиб чиққан минглаб олиму уломалар, шоирлар ва буюк мутафаккирлар, жумладан, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби буюк файласуф ва алломаларнинг асарлари жаҳон цивилизациясининг олтин хазинасидан муносиб ўрин оларган ва жаҳон фани маданияти тарихида ўчмас из қолдирган. Улар "...этиқод далиллари билан ақл далилларини ўзаро мувофиқлаштиришга, кенг оммани дунёвий ва диний илмларни пухта эгаллашга, олам сирларини билишга даъват этганлар [2, 70]. Шунингдек, улар дунёқарашининг ўзига хослиги ва тарихий аҳамияти шундаки, у Афлатун, Арасту, Қуръон таълимотларининг ўзаро таъсирида шаклланган. Яна шуни таъкидлаш мумкинки, Марказий Осиё тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши – буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар ҳўжалигининг анча жадал ўсиши, ҳўнармандчилик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланишига олиб келди.

Марказий Осиёда илк ўрта асрларда етишиб чиққан қомусий олим – мутафаккирлар фалсафанинг моҳияти, унинг дунёвий илмларга, хусусан табиий фанларга таяниши, фалсафий ва табиий фанлар бир-бири билан чамбарчас алоқасиз ривожлана олмаслигига илоҳиёт илмининг нисбатан мантиқий фикрлашга мойил намоёндалари ҳам бунга ишонч хосил қилдилар.

Марказий Осиёнинг буюк олими **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий** алгебра ҳамда тўнғич алгоритмларни кашф этди ва уни инсониятга тортиқ қилди, шу билан бирга аллома алгебра фанига асос солди. Мутафаккирнинг китоби, биринчи навбатда, алгебраик ҳисобга бағишланган бўлиб, китобининг муқаддимасида асар нима мақсадда ёзганлиги қуйидагича баён қилинади: "Мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларни ўз ичига олувчи "Ал-жабр вал-Муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб" таълик қилдим, чунки мерос тақсимлаш, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда, адлия ишларида савдода ва ҳар қандай битимларда, шунингдек, ер ўлчашда, каналлар ўтказишда, геометрияда ва бошқа шунга ўхшаш турли ишларда кишилар учун бу зарурдир" [3, 486]. Кўриниб турибдики, мутафаккир ўз қарашларини одамларнинг кундалик манфаати, эҳтиёжларини қондириш ва оғирини енгиллаштиришга қаратилган бўлса, аслида минг йилларки

инсониятнинг илм-маърифатига, бугунги кунда эса замонавий фан ва технологиялар тараққиётига, бир сўз билан айтганда замонавий цивилизация ривожига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг ўнлик санок системасини, алгоритм ва алгебра тушунчасини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этгани ва шу асосда аниқ фанлар ривожини учун ўз вақтида мустаҳкам замин яратгани умуминсоний тараққиёт ривожига қандай катта аҳамиятга эга бўлганини барчамиз яхши биламиз. Бугунги кунда одамзотнинг илм-фан ва замонавий технологиялар борасида эришаётган улкан ютуқларни кўз олдимизга келтирар эканмиз, беихтиёр ана шу буюк бобомиз мисолида бундай юксак марраларга эришишда ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан қалбимиз ифтихорга тўлади [4, 41].

Марказий Осиёнинг забардаст ва буюк намоёнчаси, ўз замонасининг фундаментал фан асосчиларидан бири бўлган, IX асрда башариятнинг дунёқарашини ва маданиятининг ривожланишига беқиёс таъсир кўрсатган **Аҳмад ал-Фарғоний** асарлари асосан астрономияга бағишланган бўлса-да, математика, география ва этнография фанлари, геодезия ва муҳандислик ҳам унинг ижоди ва фаолиятида катта ўрин эгаллаган эди. “Алломанинг “Астрономия асослари ҳақида китоб” номли асари XII асрдаёқ латин ва иврит тилларига таржима этилгани ҳам фикримизнинг далилидир” [4, 42]. Аҳмад ал-Фарғонийнинг ушбу асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар берилган. Мазкур китоб XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитилиб келинган ҳамда Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилганлигини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Айниқса, Аҳмад ал- Фарғонийнинг фандаги ютуқларидан бири унинг ўрта асрлардаги асосий астрономик асбоб – устурлоб назариясини ишлаб чиққани ва шунингдек, Нил дарёсида “Нилометр” деган, кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратгани бўлди.

Фалсафа, табиатшунослик фанларини **Абу Наср Форобий**сиз тасаввур қилиб бўлмайди. Олимнинг ўрта аср фани ривожланишидаги фикри ҳақида тўхталганимизда, аввало, унинг қадимги юнон олимлари асарларини таржима қилганлиги ва уларга ёзган шарҳларининг аҳамиятини кўрсатиб ўтиш лозим. У Платон, Аристотел, Эпикур, Зенон, Эвклид, Птоломей, Порфирий асарларига шарҳлар ёзган. Олимнинг илмий билимлар тузилиши, унинг таснифи ҳақидаги таълимоти табиий-илмий ва фалсафий тафаккур тарихида катта роль ўйнадики, у аввало борлиқ хусусиятлари таҳлилидан ва уларнинг фанда акс этишидан келиб чиқади, инсон билимларининг кенг имкониятларини очиб беради, аввало табиатни, инсондан ташқарида бўлган реалликни ўрганишга, шунингдек, инсонгагина хос бўлган билишнинг муҳим воситалари – тафаккур ва нутқни, тил ва мантиқни ўрганишга қаратилган бўлиб, фанга зид тасаввурлардан фарқланиш вазифасини қўяди. У ўз асарларида комил инсон, фозил фуқаро, одил ҳукмдор, бахт-саодат, унга эришиш йўллари, давлатнинг хусусиятлари, ахлоқий ва ақлий тарбия, ижтимоий-истиқбол тўғрисида илғор ғояларни илгари сурган. Шарқ халқлари фалсафий тафаккури ривожига сезиларли таъсир кўрсатган.

Европада Авиценна номи билан машҳур бўлган **Абу Али ибн Сино** ўз умри давомида 450 дан ортиқ асарлар яратди, шулардан 190 га яқини фалсафа, психология, ахлоқшунослик, мантиқ, кимё, физика, астраномия, математика, мусиқа, адабиёт, тилшунослик ва ижтимоий-сиёсий соҳаларга бағишланган бўлса-да, буюк олим биринчи навбатда тиббиёт илмига асос солгани, уни энг юксак чўққиларга олиб чиққани билан оламга танилган. Унинг номи дунё фани ва маданияти тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Инсониятни ўзининг чуқур фалсафий-мантиқий мазмуни билан олимларни таажжуб ва ҳайратга солган, “Ҳайи ибн Яхзон” асарида олам ва инсон ҳақида, руҳ ва Оллоҳ янги фалсафий новелла, ривоят, поэма яратдики, келгусида А. Датс, Шота Руставелининг ижоди учун, Брайтел, Босхларнинг тасвирий саъати учун битмас-туганмас илҳом ва ижод бағишлади [5, 89].

Бутун умрини фан йўлига бағишлаган Абу Али ибн Сино жуда меҳнатсевар ва ғайратли олим бўлиб, беқиёс илмий мероси фан ва маданият тарихида улкан аҳамиятга эгадир. У фалсафа, математика, астраномия, кимё, физика, медицина, доришунослик, география, мусиқа ва бошқа фанларга оид кўплаб асарларни яратган. Шунингдек, унинг мантиқ, психология, давлатни идора қилиш усуллари, ҳарбий фан, никоҳ, оилавий масалаларга оид асарлари, адабиёт бобидаги хизматлари ўз даврида жамият маънавий ҳаётига ривожига ҳамда ҳозирги замановий цивилизация жараёнига ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Абу Райҳон Беруний ўрта аср ўзбек фанининг энг илғор намоёндаларидан бири. У ўзининг аниқ фанлар соҳасида қилган катта хизматлари ва кашфиётлари билан ўз даврдан анча илгарилаб кетди ва ҳозирги замон илм-фани ривожини учун ҳам беназир ва бебаҳо илмий, маънавий бойлик қолдирди. “Миллий тарихимизнинг яна бир ёрқин юлдузи Абу Райҳон Беруний фаолиятига ҳаққоний баҳо берар экан, америкалик фан тарихчиси Сартон XI асрни “Беруний асри” деб таърифлайди. Бундай юксак ва ҳақли баҳо аввало қомусий тафаккур соҳиби бўлмиш буюк ватандошимизнинг илм-фан тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси билан изоҳланади” [4, 42].

Беруний ўта зиддиятли ва оғир ижтимоий-сиёсий шароитларда яшаганига қарамай илм-фан соҳасида улкан мерос қолдирди. У ўз умри давомида 152 асар ёзган бўлиб, ўзининг илмий-фалсафий қарашларини “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Маъсуд қонуни”, “Ҳиндистон”, “Геодезия”, “Минерология” асарида баён қилинган. Олимнинг минерологик меросини ўрганган рус олими Г.Т. Леммлейн унинг минерологияда қўллаган услуги тўғрисида тўхталиб: “Мантиқий тузилишларни кузатиш ва тажрибада аниқлашни талаб этувчи илмий услуб ҳам ҳозирги замон фанининг қоидаларига жавоб берувчи усул” [6, 317]дир, дейди.

Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асари ҳақида тўхталсак, бу тарихий манба Ўрта Осиё халқлари ва форс, юнон, яҳудий, христиан, араб каби бир қанча халқларнинг йилнома ва урф-одати, дин, эътиқодлари, фани ва тарихига оид қимматли маълумотларни беради. Шарқ халқлари тарихига оид бу қимматли асарда илгари сурилган фикрлар ҳозирги кунда ҳам, жумладан, замонавий цивилизация жараёнида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шунингдек, “Берунийнинг йирик асарларидан бири “Таҳқиқ моли-л-ҳинд” бўлиб, (Ҳиндистон ҳақидаги таҳқиқлар) бу ўлмас китоб ҳиндларнинг урф-

одати, фани, тарихи, ўша даврдаги сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаёти туғрисида бой маълумотлар беради” [7, 94-95].

Марказий Осиёда илк ўрта асрлар даврида кенг тарқалган тасаввуф таълимотидаги комил инсон мақоми, нафсни тийиш, бағрикенглик, диний донишмандлик, Мусо ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фарғоний тадқиқотларида илгари сурилган табиий-илмий ғоялар, Форобий, Ибн Сино ва Берунийнинг табиий-илмий, фалсафий қарашлари, фандаги янги йўналишлар биринчи галда мусулмон Шарқи, қолаверса, бутун жаҳон табиий-илмий ва фалсафий тафаккури равнақиға бугунги кунда ҳам ўзининг ҳаётбахш таъсирини ўтказиб келмоқда.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Мирзиёев Ш. М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: Ўзбекистон. Т. 2. 2018. Б- 82
2. Маврулов А. ва бошқалар. Шарқ ренессанси даври алломалари ва мутафаккирларининг илмий-фалсафий мероси. – Т.: Sano-standart нашриёти. 2017. Б-70
3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. – Т.: 9-том. Б- 486
4. Ислом Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008. Б- 41, 42,
5. Қаранг: А.Салдадзе. Ибн Сина – Авиценна. – Т.: Изд. Им. Гафур Гуляма, 1983. С. 89
6. Леммлейн Г.Т. Минерологические сведения, сообщаемые трактате Беруни. В.кн. Собрание сведений для познания драгоценностей (Миниурология). М.: 1963. С. 317
7. Маънавият юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1999. Б- 94-95

Тожибоев Сарвар Пўлатжон ўгли
Фарғона давлат университети
(Фарғона, Ўзбекистон)

ҲАЛОЛ ВА САДОҚАТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МИЛЛИЙ ТИЗИМИ МУАММОЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Ушбу мақолада ҳалол ва садоқатли кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими муаммолари таҳлил қилинади. Ҳалоллик ва садоқат тушунчаларини инсон ҳаётида, қолаверса, давлат раънақида тутган ўрни ҳақидаги фикрлар атрофлича таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: ҳалол, садоқат, ҳаром, ислом дини, коррупция, адолат ва виждон.

Аннотация. В данной статье анализируются проблемы национальной системы подготовки честных и лояльных кадров. В данной статье анализируется роль концепций честности и лояльности в жизни человека и в развитии государства

Ключевые слова: честный, лояльность, харам, ислам, коррупция, справедливость и совесть.

Annotation. This article analyzes the problems of the national system of training honest and loyal personnel. This article, the concepts of honesty and loyalty analyse the role of human life, moreover, in the development of the state.

Key words: honest, loyalty, haram, Islam, corruption, justice and conscience.

Бугунги кунда Ўзбекистонда устувор соҳалар каби кадрлар тайёрлаш тизимида ҳам сезиларли ислохотлар олиб борилмоқда. Мамлакат барқарор тараққиёт босқичида юксак салоҳиятли кадрларга талаб ортиб бормоқда. Инсон камолоти ва фаровонлигига эришиш, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг таъсирчан механизмларини яратиш, эски тафаккурдан воз кечиш ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади айланди. Ўзбек халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг янгича тизимини яратиш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифалардан бирига айланмоқда.

Президентимиз Ш. Мирзиёев Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида ҳалол ва садоқатли кадрларга эhtiёжнинг ортиб бораётганлигини таъкидлаб келмоқда. Мамлакатимизда коррупциянинг кенг қулоч ёйганлиги, бошқарув тизимининг ҳар бир соҳасида таъмагирликнинг мавжудлиги ва бугунги кунда унга қарши курашни янги босқичга олиб чиқиш долзарб вазифалардан бири эканлигини юзага чиқармоқда. Ушбу омиллар жамиятимизда коррупцияга қарши курашда замонавий кадрлар авлодини тарбиялашни заруратга айлантиради. “Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп

қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмақдамиз» [1. 491].

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури замонавий дунёқарашга эга бўлган мутахассисларни, ҳар томонлама камол топган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди. Ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини тадқиқ этишдан аввал ҳалоллик категориясининг мазмун-моҳиятини ахлоқшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. «Ҳалоллик виждон, адолат ва бурч каби ахлоқшунослик мезоний тушунчалари билан боғлиқ, инсоннинг ўзгача муносабати ўзича муносабатидек соф, покиза бўлишини талаб қилидиган ахлоқий меъёрдир. Даставвал у диний тушунча сифатида вужудга келиб, ҳар бир мусулмоннинг емак-ичмаги, жинсий ва иқтисодий хатти-ҳаракатлари сифатини белгилаб берувчи шаръий меъёр бўлиб амал қилган, унинг зидди-ҳаром диний нуқтаи назардан салбий ҳисобланган хатти-ҳаракатларга нисбатан қўлланилган» [1. 220]. Бундан келиб чиқадики, ҳалол кадр тушунчаси соф, покиза муносабатларга ва касбий фаолиятга эга инсонларга нисбатан ишлатилади.

Бугунги ахборотлашган жамиятда замонавий кадрларга қўйилаётган талабларга эътибор қаратсак, биринчи навбатда юқори билимга, кенг дунёқарашга ва теран тафаккурга эга, танқидий фикрлай оладиган, муаммоларни тезкорлик билан хал қиладиган, тезкор қарорлар қабул қила оладиган, аналитик таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлишлари талаб этилаётганини кўришимиз мумкин. Лекин юртимиздаги ислохотлар жараёнида кадрларга фақатгина билим ва тафаккур эмас, ахлоқий фазилатлар ҳам жуда зарур эканлиги келиб чиқмоқда.

Ҳалоллик ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичида кучли кадрланган инсоний фазилатлардан ҳисобланади. Барча динларда ҳам инсонларни биринчи навбатда ҳалол бўлишга дават этилади. Машҳур мутафаккир Аристотел ҳалол бўлмаган, яъни нопок одамни онгсиз деб баҳолайди [2. 104]. Бу ёндашувда сермазмун маъно мужассамланган. Биз одатда, айниқса, ҳар соҳада риекорлик, мунофиқлик, сохта гаплар авж олган шўролар даврида онгли ва онгсиз одам, деган сўзларни кўп ишлатавериб, кадрини туширдик. Номуносиб ишлар қилса ҳам, лекин давлат сиёсатини билган одамни онгли одам деб ҳисобладик. Аслида, онгли одам деб, яхши ва ёмонни, ҳалол ва ҳаромни, савоб ва гуноҳни яхши тушунувчи ва бу тушунчаларга амал қилувчи одам назарда тугилади.

Қадимги дунёнинг машҳур мутафаккири Аристотелнинг «Одам ақли борлиги учун мақталмайди» деган сўзлари бир қарашда баҳсли, мунозарали кўринади. Аммо ақллилик, оқиллик агар гўзал инсоний фазилатлар билан уйғунлашмаса, уни мақташ мумкин бўлмайди. Чунки юлғич, порахўр ва бошқа нопок ишлар қилувчи одамларнинг кўпчилиги ўзларича анча ақлли одамлардир [2. 104]. Аммо бу ақл худбин ақлдир. Шундай экан, янги миллий

тараққиёт босқичида мамлакатимизга билимли ва салоҳиятли бўлиш билан бирга ҳалол ва садоқатли кадрлар ҳам зарурлиги намоён бўлмоқда. Тўғри ва ҳалол инсон ҳаёт билан боғлиқ бўлган азоб- уқубатларни ҳийла ёки куч воситасида бировнинг елкасига ташлаб қўймайди, ўзининг оғир юкини ўзи кўтаради, ҳаётдаги инсоний ёвузликларнинг ҳаммасига бировнинг эмас, ўзининг кўксини қалқон қилади. “Ҳалол яшашнинг оқибати бўлмиш тенгсиз изтироблар ўзига хос фориғланишга, буддавийлик ибораси билан айтганда нирванага олиб келади: бундай олий маънавий мақомга руҳан эришган инсон ҳаётга ихтиёрни инкор этади” [3. 104].

Яқин тарихга мурожаат қилсак, сиёсий фанлар доктори Б.Омонов ёзганидек, “СССРда модернизациянинг “қувиб борувчи” модели биринчи босқичида индустриаллаштириш компанияси амалга оширилди; иккинчи босқичида техника ва технологияни бошқарувчи етакчи инженер кадрлар масаласи ечилмай қолгани сабабли иқтисодни бошқаришга тизимнинг қудрати етмади. Бунинг устига, қатағон йилларида (1932-1938, 1950-1953 йиллар) иқтидорли, етук мутахассисларнинг жисмонан йўқ қилиниши ривожланишга салбий таъсирини ўтказди” [5. 118]. Бу даврда кадрлар сиёсатида йўл қўйилган хатолардан биз сабоқ чиқаришимиз керак бўлади.

Ҳалоллик фазилати «шўролар ҳукмронлик қилган чоракам бир аср вақт мобайнида ёлғон, алдов, нопоклик, ҳаромхўрлик, мунофиқлик сингари иллатлар орқали халқимиз онгига шу қадар усталик билан сингдирилдики, кўпчилик одамлар ҳалоллик, ростгўйлик устидан куладиган бўлиб қолдилар. Сўз билан иш бирлиги йўқолган, қоғоздаги чиройли гаплар ҳаётга тўғри келмасди. Лекин буларнинг ҳаммаси, афсуски, одатий ҳолдек қабул қилинарди. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу иллатларга қарши кураш бошланди. Ҳозирги кунда давлатимиз миллий - маънавий қадриятларни тиклашни, одамларни ҳалол, инсофли, адолатли бўлишга қақаришни ўз ички сиёсатининг муҳим қисми деб билган ҳолда иш тутмоқда. Зеро, кўз ўнгимизда нопоклик ёлғон, алдов, иккиюзламачилик нималигини деярли билмайдиган жамиятлар, миллатлар гуллаб-яшнамоқда. Япония, Германия, Франция, АҚШ, Буюк Британия сингари мамлакатлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги муаммолар нималарда кўзга ташланади? Ушбу тузилманинг демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради.

Таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бири-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас. Амалдаги таълим тизими замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмайди. Мутахассислар тайёрлаш, таълим тизими жамиятда бўлаётган ислохот, янгилиниш жараёнлари талаблари билан боғланмаган. Шунинг учун ҳам кадрларнинг ахлоқий фазилатларни намоён қилишларида ҳам нуқсонлар

кўриниб қолмоқда. Давлат хизматчиларида ҳалолок ва садоқатлилик умумий баландпарвоз китобий тушунчаларга айланиб қолмоқда.

Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, кадрлар муаммосини давлат сиёсати даражасига олиб чиқиш, жаҳон стандартларига жавоб берадиган рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг миллий тизимини яратиш устида ҳам ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, давлатимизнинг янги қиёфасини яратишда ўз меҳнати, ташаббускорлиги ва маънавий фазилатлари билан бошқаларга ўрнак ва намуна бўлаётган шижоатли ёшларимиз учун «Мард ўғлон» давлат мукофоти ҳамда «Келажак бунёдкори» медалини таъсис этилиши [1. 492] ҳам ҳалол ва садоқатли кадрлар тайёрлаш ишларини йўлга қўйишдаги дастлабки қадамлардан бири бўлмоқда.

Мамлакатимизда ҳалол ва садоқати кадрлар тайёрлаш тизимини замонавийлаштиришдаги муҳим омиллар куйидагилардан иборат: давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги; миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий, маданий-тарихий анъаналарга ва ҳалқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат; мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси, авваламбор, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ бўлиб турибди. Шу билан бирга, олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш қўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридир. Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюрolari, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир [1. 28].

